Bank news

# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 41 (544) 2006 йил 11 октябр

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДАГИ МАВСУМИЙ ОМОНАТ ТУРЛАРИ

***Бугунги кунда тижорат банклари томонидан олиб борилаётган депозит сиёсати ўзининг самарадорлиги билан нафақат банк манфаатига хизмат қилмоқда, балки мижозлар диққат-эътиборининг кун сайин ошишига олиб келмоқда. Бунда аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларининг хавфсизлиги банк томонидан тўлиқ таъминланиши, қолаверса улар миқдорининг ҳар ой белгиланган фоиз ҳисобига ошиб бориши мижозлар сафининг кенгайишига сабаб бўлмоқда.***

Жумладан, республика акциядорлик-тижорат "Ғаллабанк"нинг бугунги кундаги омонатчилари сони 41 минг 200 нафардан ошган. Яқинда банк томонидан куз мавсуми бошланганлиги муносабати билан жорий қилинган "Саховатли куз" номли янги омонат тури бу кўрсаткичнинг янада ошишини таъминлаши муқаррар.

"Саховатли куз" омонатининг йиллик фоиз ставкаси 24 фоиз бўлиб, унга фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади. Мазкур омонатнинг сақланиш муддати эса, 4 ойдир.

Шунингдек, мана шундай мавсумий омонат турлари акциядорлик-тижорат "Пахта Банк"да ҳам мижозлар эътиборига ҳавола этилган бўлиб, улар жумласига "Оқ олтин" ва "Мураббий" депозитлари киради. "Мадад", "Ишонч", "Мустақиллик" каби жами 20 дан ортиқ омонатлар қаторига қўшилган ушбу депозитлар улардан йиллик фоиз ставкалари юқорилиги (24 фоиз) билан фарқланади.

Банк бошқаруви томонидан мазкур омонатлар бўйича қабул қилинган тартибга мувофиқ "Оқ олтин" омонатининг сақланиш муддати 6 ой бўлиб, тўпланган фоиз суммаси ҳар ойда тўлаб борилади. Унга маблағларнинг қабул қилиниш муддати эса, чегараланмаган. "Мураббий" омонатига эса, аксинча фоиз тўловлари сақланиш муддати тугаганидан сўнг (3 ой муддатли) берилади.

Жорий йилда "Пахта Банк" томонидан жами 11 та янги омонат турлари таклиф этилган бўлиб, ҳозирда банк 230 мингдан ошиқ омонатчиларга эга.

***Юлдуз ЗОКИРОВА.***

## АХБОРОТ-ТЎЛОВ ТЕРМИНАЛЛАРИ — ЎЗБЕКИСТОНДА



***Ўзбекистондаги энг йирик ва универсал банклардан бири ҳисобланган АТ "Ўзсаноатқурилишбанк"и юртимиз банк техникалари бозорида етакчилик қилаётган TexSistemaServis (TSS) компанияси билан ҳамкорликда кўп функцияли ахборот-тўлов терминаллари-инфокиоскларни юртимиз банк-молия хизматлари бозорига олиб киришни режалаштирмоқда.***

"Ўзсаноатқурилишбанк"ида электрон ахборот-тўлов терминаллари тармоғини ташкил этишга бағишлаб ўтказилган кенгайтирилган мажлисда шу ҳақда маълум қилинди. Мажлисда банкнинг барча бошқарув департаментлари бошлиқлари, Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Н.А Носиров, бошқарув ўринбосари Ш.И. Якубов ҳамда TSS компанияси бош директори И. Маҳмудов иштирок этишди. Анжуманга йиғилганларни компаниянинг етакчи мутахассиси С.Атаев инфокиоскларнинг афзал жиҳатлари билан таништирди.

Ушбу инфокиосклар аввал Тошкент шаҳрида, кейинчалик эса вилоят ва туман марказларига ўрнатилади. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бу турдаги кўп функцияли терминаллар нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё миқёсида дастлаб Тошкент шаҳрида ўрнатилади ва аҳолининг турли эҳтиёжлари учун хизмат қилади.

Инфокиосклар айни вақтда мамлакатимиз банк секторида ишлаб турган банкоматларнинг янги авлоди бўлиб, унинг ишлаш функцияси аввалгиларидан кескин фарқ қилади. Ундан банк мижозлари пластик карточкалар ёки нақд пул ёрдамида коммунал тўловларни, телефон, мобил алоқа, кредит тўловларини, валюта айрибошлаш операцияларини амалга оширишлари, ҳисобрақамларини тўлдиришлари мумкин.

Бунинг учун мижознинг пластик карточкасидаги маълумотлар инфокиоск орқали тўлов серверига узатилади, у эса, ўз навбатида банкнинг ахборот тизим серверига уланади ва мижоз ҳисобварағига тегишли ўзгартишлар киритилади.

Ушбу мураккаб жараённи амалга ошириш учун атиги 2-3 сония вақт талаб этилади. Инфокиоск Microsoft Windows 2000 Server операцион тизимида фаолият олиб боради. Бу эса, ундан махсус малакага эга бўлмаган кенг аҳоли қатламлари фойдаланиши учун жуда қулайдир.

Юртимиз банк хизматлари бозорида аҳамиятли ҳисобланган ушбу янгилик тез орада оммалашиб, халқимизнинг кундалик эҳтиёжини қондириш йўлида хизмат қилади деб умид қиламиз.

***Лайло АЗИЗОВА.***

## Бу сонда:

3 «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни

4-5 Омонат ва сармоя

6 Инвестицион лойиҳаларни молиялаш

### Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 10 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 913,33 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2302,47 |
| 1 Дания кронаси | 208,12 |
| 1 БАА дирҳами | 335,19 |
| 1 АҚШ доллари | 1231,07 |
| 1 Миср фунти | 214,77 |
| 1 Исландия кронаси | 18,00 |
| 1 Канада доллари | 1093,51 |
| 1 Хитой юани | 155,76 |
| 1 Қувайт динори | 4257,40 |
| 1 Россия рубли | 45,92 |
| 1 Украина гривнаси | 243,78 |
| 100 Ливан фунти | 82,02 |
| 1 Малайзия ринггити | 333,49 |
| 1 Норвегия кронаси | 184,42 |
| 1 Польша злотийси | 396,30 |
| 1 Сингапур доллари | 775,09 |
| 1 СДР | 1818,39 |
| 1 Туркия лираси | 822,63 |
| 1 Швеция кронаси | 167,29 |
| 1 Швейцария франки | 977,27 |
| 1 ЕВРО | 1551,39 |
| 10 Жанубий Корея вони | 12,82 |
| 10 Япония иенаси | 103,31 |

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## «ҒАЛЛАБАНК»НИНГ ЯНГИ ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТЛАРИ

***Яқинда республика акциядорлик-тижорат "Ғаллабанк" томонидан юридик шахсларнинг пул маблағларини қисқа муддатга жалб қилиш, мижозларга кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш мақсадида депозит сертификатлари муомалага чиқарилди.***

Мазкур депозит сертификатларининг эмиссия ҳажми 5 млрд. сўм бўлиб, унинг шартлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жорий йилнинг 15 сентябрида рўйхатга олинди.

Сертификатнинг муомала муддати 3 ойдан 12 ойгача бўлиб, эгасининг номи ёзилган, нақдсиз шаклда, яъни ДЕПО ҳисобварақларидаги ёзувлар кўринишида чиқарилган. Улар бўйича тўловлар йиллик 7 фоиз (3 ойлик), 8 фоиз (6 ойлик), 9 фоиз (9 ойлик), 10 фоиз (12 ойлик) миқдорида тўланади.

Нақдсиз шаклда сертификатлар бўйича амалиётлар ҳисоби эса, "Prognoz Plyus" депозитарийсида (Банкнинг шўъба корхонаси) юритилади. Бунда банк дастлабки омонатчига депозитарийда ДЕПО ҳисобварағини очиш ва ДЕПО ҳисобварағи бўйича кўчирма бериш билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

РАТБ "Ғаллабанк" томонидан шу пайтга қадар муомалага чиқарилган депозит сертификатлари миқдори 25,0 млрд. сўмни ташкил этиб, уларнинг 21,2 млрд. сўми мижозлар орасида жойлаштирилган.

***Гулшан ЮСУПОВА.***

## АҚШ доллари ва евронинг ваколатли банклар томонидан айирбошлаш шохобчаларида 2006 йил 10 октябр ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

| Банк номи | АҚШ доллари | | Евро | |
|---|---|---|---|---|
| | Харид | Сотиш | Харид | Сотиш |
| ЎзР ТИФ МБ | 1235,00 | 1238,00 | 1552,00 | 1572,00 |
| "Асака" банки | 1234,00 | 1237,00 | 1553,00 | 1561,00 |
| "Ўзсаноатқурилишбанк"и | 1234,00 | 1237,00 | 1559,00 | 1569,00 |
| "Пахта Банк" | 1237,00 | 1239,00 | 1560,00 | 1565,00 |
| "Халқ банк"и | 1234,00 | 1239,00 | 1552,00 | 1560,00 |
| "Ипотекабанк" | 1236,00 | 1237,00 | 1552,00 | 1560,00 |
| АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж. | 1234,00 | 1235,00 | 1552,00 | 1554,00 |
| "UzKDBбанк" | 1233,00 | 1239,00 | 1558,00 | 1581,00 |
| "Ғаллабанк" | 1236,00 | 1237,00 | 1552,00 | 1560,00 |
| "Трастбанк" | 1236,00 | 1239,00 | 1552,00 | 1562,00 |
| "Алп Жамол банк" | 1236,00 | 1239,00 | 1556,00 | 1562,00 |
| "Алоқабанк" | 1236,00 | 1238,00 | 1551,80 | 1575,00 |
| "Ў-Т банк" | 1234,00 | 1237,00 | 1552,00 | 1572,00 |
| "Туронбанк" | 1236,00 | 1239,00 | 1553,00 | 1560,00 |
| Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ | 1234,00 | 1239,00 | 1555,00 | 1572,00 |
| "Ипак йўли" банки | 1236,00 | 1238,00 | 1557,60 | 1560,12 |
| "Микрокредитбанк" | 1236,00 | 1239,00 | 1558,00 | 1561,00 |
| "Туркистон" банк | 1236,00 | 1238,00 | 1555,00 | 1570,00 |
| "Даврбанк" | 1234,00 | 1239,00 | 1561,25 | 1572,50 |
| "Кредит-Стандарт" банки | 1236,00 | 1239,00 | 1551,50 | 1574,00 |
| "Капитал банк" | 1234,00 | 1239,00 | 1551,40 | 1574,00 |
| "Содерат банк" | 1236,00 | 1239,00 | 1532,00 | 1602,00 |
| "Ҳамкорбанк" | 1237,00 | 1239,00 | 1554,17 | 1575,83 |
| "Универсалбанк" | 1234,00 | 1239,00 | 1555,00 | 1561,00 |
| "Парвинабанк" | 1234,00 | 1237,00 | 1552,00 | 1554,00 |

# ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР — ДЕХҚОНГА МАДАД

***Мамлакатимиз ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга катта эътибор берилмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги етакчи куч бўлган фермер ва деҳқон хўжаликлари сафини кенгайтиришда республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда барча молиявий ташкилотлар, жумладан банкларнинг ҳам роли алоҳидадир.***

***Биз ушбу вазирликнинг қишлоқда иқтисодий ислоҳотлар мажмуаси раҳбари ўринбосари Муҳаммадқосим ОЛИМОВ билан суҳбатлашиб, вазирлик ва тижорат банкларининг ушбу соҳани такомиллаштиришдаги ҳамкорлиги билан қизиқдик.***

- Давлат хариди учун пахта хом ашёси ва ғалла етказиб берувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига имтиёзли кредитлар Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 11 августда 1508-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан амалга оширилади.

Имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича икки томонлама шартнома имзолашда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг тегишли тайёрлов идоралари билан тузган контрактация шартномалари асос бўлади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига имтиёзли кредитлар ажратиш тўғрисидаги шартномада албатта, унинг мақсадлилиги, муддатлилиги, қайтарилиши шартлиги ва фоизлари акс эттирилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусияти, яъни ишлаб чиқариш даври билан ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш даври бир-бирига мос келмаслиги уларнинг эркин маблағларга бўлган талабини яна ҳам оширади. Шу боис ҳукумат қарорларига асосан давлат эҳтиёжи учун етказиб бериладиган маҳсулотлар етиштиришга имтиёзли кредит бериш мезханизми ишлаб чиқилган.

Имтиёзли кредитлар Молия вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш жамғармаси томонидан тегишли тижорат банкларига ажратиб берилади. Шунингдек, тижорат банклари ҳам ўз ресурслари ҳисобидан мазкур соҳани ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратади. Амалдаги тартибга ва томонлар ўртасида тузиладиган шартномаларга мувофиқ ажратиладиган имтиёзли кредитлар суммаси қишлоқ хўжалиги корхоналарининг тайёрлов ташкилотлари билан тузган контрактация шартномаларига асосан жами етказиб бериладиган маҳсулотлар қийматининг 50 фоизигача бўлган суммада ва йиллик 3 фоизли устама билан берилади. Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарига имтиёзли кредитлар ажратиш ва улардан мақсадли фойдаланиш юзасидан республика Марказий банки ва унинг тегишли вилоят бошқармалари мунтазам мониторинг юритиб борадилар. Масалан, жорий йилда ғаллачилик соҳасига 97,9 млрд. сўмлик ва пахтачилик соҳасига 462 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган бўлиб, улар субъектлар томонидан иш ҳақи, минерал ўғитлар, ёнилғи ва мойлаш маҳсулотлари сотиб олиш учун фойдаланилган. Шундан ғаллачилик бўйича олинган имтиёзли кредит суммалари амалдаги тартибга мувофиқ жорий йилнинг июл ойидан бошлаб тегишли тижорат банкларига қайтарилди.

**- Мазкур имтиёзли кредит маблағларининг фермер хўжаликлари томонидан қоплай олмаслик ҳолатлари ҳам учраб турадими?**

- Амалга оширилаётган ижобий ишлар қаторида фермер хўжаликлари фаолиятида ҳам айрим камчиликларга дуч келмоқдамиз. Баъзи хўжаликлар борки, улар берилган имтиёзли кредитлардан ўз вақтида самарали фойдаланмай муаммоларни юзага келтирмоқда. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, мамлакатимиз бўйича жами 818 та фермер хўжаликлари 593,8 млн. сўмлик имтиёзли кредит маблағларини қоплай олмай, тегишли тижорат банкларидан қарздор бўлиб қолган. Мазкур фермер хўжаликларнинг 393 таси Қашқадарё вилоятида, 181 таси Сирдарё вилоятида, 66 таси Наманган вилоятида, 27 таси эса, Жиззах вилоятида жойлашган.

Мана шуларни инобатга олиб туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан моддий сарф-харажатлар ва имтиёзли кредитлардан самарали фойдаланиш мониторингини юритишда ҳамда сарфланаётган харажатлар билан агротехник тадбирларни амалга оширишда номувофиқликларни аниқлаганда қишлоқ хўжалиги корхоналарига имтиёзли кредитлар беришни тўхтатиш тўғрисида таклифлар билан чиқиши мумкин.

**- Қишлоқ хўжалигига хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида халқаро ва хорижий банклар билан қандай алоқалар ўрнатилган?**

- Жойлардаги суғориш тармоқларини модернизация қилиш мақсадида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бир неча йилдирки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Хитойнинг ЭКСИМ банки билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда. Бугунги кунда ҳам ташкилот мазкур банклар билан ҳамкорликда 8 та лойиҳа устида ишламоқда. Жумладан, Осиё тараққиёт банки томонидан жалб қилинган имтиёзли кредит линияларидан вазирлик қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ғалла ҳосилдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда суғориш тизимларининг реконструкция қилинишига кўмаклашиш учун фойдаланмоқда. Ушбу банк ҳамкорлигида амалга оширилаётган ишларга мисол келтирадиган бўлсак, мамлакатимизда дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш лойиҳаси бошлангандан бери 7,5 млн. АҚШ доллари ҳажмида маблағ ўзлаштирилган. Бугунги кунда республикамизнинг тегишли ҳудудларида мазкур лойиҳа ишлари давом эттирилялпти.

Бундан ташқари, Осиё тараққиёт банки иштирокида сув ўзанларини янада яхшилаш ва реконструкция қилиш масалалари ҳам алоҳида ўрганилмоқда. Ўтган йил 1 январдан бошлаб Аму-Занг машина каналини қайта тиклаш лойиҳасининг иш бошлагани бунга яққол мисол бўла олади.

Шунингдек, республикамизнинг чекка ҳудудлари – Қорақалпоғистон, Хоразм ҳамда Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун зарурий қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олишга Хитойнинг ЭКСИМ банки яқиндан ёрдам бермоқда. Мазкур банк жумладан, Тахиатош гидроузели ҳудудидаги кўл атрофларини тозалаш учун ҳам ўзининг имтиёзли кредитлари билан муносиб ҳисса қўшмоқда.

***Суҳбатдош:***
***Назира МАВЛОНОВА.***

# «МИКРОКРЕДИТБАНК»НИНГ ЯНГИ ОМОНАТЛАРИ

***Акциядорлик-тижорат "Микрокредитбанк"да аҳоли омонатларидан йиғилган маблағнинг қолдиқ суммаси жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига 9 млн. 475 минг сўмга етди.***

Аҳолининг моддий манфаатдорлигини ошириш, фуқароларнинг пул маблағлари сақланишининг хавфсизлигини таъминлаш ва муомаладан ташқарида бўлган нақд пулларни банк кассаларига жалб этишни рағбатлантириш мақсадида банк яқинда яна тўртта янги омонат турини мижозлари эътиборига тақдим қилди.

"Ҳомий", "Шифокор", "Омад" ҳамда "Мучал тўйи" деб номланувчи ушбу депозитларга маблағларни қабул қилиш 1 октябрдан бошланган бўлиб, охирги сана чегараланмаган. Йиллик фоиз ставкаси 22 фоизни ташкил этувчи "Ҳомий", "Шифокор" ва "Омад" омонатлари бир-биридан сақланиш муддати билан фарқ қилади. Бу ерда "Омад" ва "Ҳомий" учун омонат дафтарчаси очган мижоз ўз пул маблағларини 4 ой, "Шифокор"да эса, 5 ой сақлаши мумкин.

Шунингдек, "Микрокредитбанк" томонидан таклиф этилаётган навбатдаги янги омонат тури - "Мучал тўйи" деб номланиб, у бошқаларидан нафақат йиллик фоиз ставкаси (23 фоиз) ва сақланиш муддати (3 ой), балки бошқа бир ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади. Яъни, ушбу омонатга пул қўймоқчи бўлган шахс албатта мучал ёшида бўлиши ва унга омонат дафтарчаси туғилган кун санасидан камида 10 кун олдин очилиши ва туғилган кунда олиниши шарт қилиб қўйилган. Қизиғи шундаки, мазкур омонат очилганидан депозитга маблағ қўйган шахснинг туғилган кунигача бўлган муддат бир-икки ой ёки ундан кам бўлса ҳам фоиз тўловлари тўлиқ 3 ойлик қилиб берилади.

Мазкур банкнинг пул муомаласи ва эмиссия-касса операциялари департаментининг таъкидлашича, айни пайтда банк томонидан жами 12 та депозитга пул маблағлари қабул қилинмоқда.

***Юлдуз ЗОКИРОВА.***

# КРЕДИТ ТАДБИРКОРЛАР САФИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

***Бозор иқтисоди шароити ҳар бир фуқародан тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан иш юритишни тақозо этади. Тадбиркорлик билан шуғулланиш учун эса албатта пул – сармоя керак.***

Ана шундай пайтда ҳар бир бўлажак тадбиркор сармоя излаши табиий. Бундай ҳолатда ҳеч шубҳасиз, юртимизда фаолият кўрсатаётган банклар уларнинг жонига оро киради. Тадбиркорларни ўз вақтида қўллаб-қувватлаб, керакли кредитларни тезкор суръатда расмийлаштириб бераётган банклардан бири – "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкидир. Банк бўлимларининг фаол ҳаракати ва халқ ичига дадил кириб бораётгани туфайли мижозлар сафи кескин кенгайиб, хизмат кўрсатиш доираси ва сифати ҳам ўсмоқда.

Акциядорлик-тижорат "Микрокредитбанк"нинг Зомин бўлими ана шу ишончни оқлаш учун интилиб келаётган жамоалардан бири. Жамоа айни кунда асосий эътиборни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва косаначиликни қўллаб-қувватлашга қаратмоқда. Мамлакатимиз Президентининг "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги 3750-сонли Фармонига кўра, хусусий, оилавий тадбиркорларга, микрофирмаларга, қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган деҳқон-фермер хўжаликларига микрокредит ажратиб, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, савдони ривожлантириш учун 19 млн. сўм, таълим учун 2 млн. 750 минг сўм кредит ажратди.

2006 йилда ғалла етиштириш учун фермер хўжаликларига 20 млн. 810 минг сўм, пахта етиштириш учун имтиёзли 3 фоизли 625 млн. 512 минг сўмлик микрокредит берилди. Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сонли Қарорига асосан, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш учун жисмоний шахсларга 12 млн. 610 минг сўм кредит берилди.

Хусусий тадбиркор Улбозор Хўжақулова банкдан кредит олиб фаолият кўрсатаётган ишбилармонлардан бири. Пишағор қишлоғида унинг қандолат маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган цехи бор. У ана шу цехни ривожлантириш мақсадида бошланғич сармоя сифатида 1,5 йил муддатга 5 фоизли 500 минг сўм кредит олди. Айни кунда цех самарали фаолият олиб бормоқда. Қишлоқ аҳолисига парварда, новвот каби қандолат маҳсулотларини етиштириб беришда хусусий тадбиркорнинг муносиб ҳиссаси бор.

- Ҳозир банкимизда жами 540 нафардан зиёд мижоз бор, - дейди АТ "Микрокредитбанк"нинг Зомин бўлими бошлиғи Маҳмуд Мажидов. – Биз ўз фаолиятимизни Президентимизнинг 3750-сонли Фармони асосида олиб боряпмиз. Мақсадимиз – мижозларга тез, сифатли ва маданиятли хизмат кўрсатиш.

Банкнинг мижозлар ишончини қозониш йўлидаги фаолияти ўз самарасини беряпти. Кредит тадбиркорлар сафини кенгайтиришнинг асосий омили эканлигини ҳаёт кўрсатмоқда.

***Абдусаттор СОДИҚОВ,***
***Жиззах вилояти.***

**2006 йил 3 октябрдан 9 октябргача бўлган даврда АҚШ долларининг миллий валюталарга нисбатан курсидаги ўзгаришлар***



**1 АҚШ доллари**

**Россия Федерацияси**
03.10.2006 й.да - 26,79 росс. рубли
04.10.2006 й.да - 26,73 росс. рубли
05.10.2006 й.да - 26,77 росс. рубли
07.10.2006 й.да - 26,81 росс. рубли

**Украина**
03.10.2006 й.да - 5,0500 гривна
04.10.2006 й.да - 5,0500 гривна
05.10.2006 й.да - 5,0500 гривна
06.10.2006 й.да - 5,0500 гривна

**Беларус Республикаси**
03.10.2006 й.да - 2141,50 бел. рубли
04.10.2006 й.да - 2141,25 бел. рубли
05.10.2006 й.да - 2141,00 бел. рубли
06.10.2006 й.да - 2141,50 бел. рубли
09.10.2006 й.да - 2141,50 бел. рубли

**Эстония**
03.10.2006 й.да - 12,2612 крона
04.10.2006 й.да - 12,3317 крона
05.10.2006 й.да - 12,3059 крона
06.10.2006 й.да - 12,3357 крона
09.10.2006 й.да - 12,4095 крона

**Латвия**
03.10.2006 й.да - 0,5452 лат
04.10.2006 й.да - 0,5483 лат
05.10.2006 й.да - 0,5475 лат
06.10.2006 й.да - 0,5486 лат
09.10.2006 й.да - 0,5521 лат

**Литва**
03.10.2006 й.да - 2,7055 лит
04.10.2006 й.да - 2,7198 лит
05.10.2006 й.да - 2,7154 лит
06.10.2006 й.да - 2,7222 лит
09.10.2006 й.да - 2,7394 лит

**Молдова**
03.10.2006 й.да - 13,2200 лей
04.10.2006 й.да - 13,2250 лей
05.10.2006 й.да - 13,2200 лей
06.10.2006 й.да - 13,2200 лей
09.10.2006 й.да - 13,2200 лей

**Қирғизистон Республикаси**
07.10.2006 й.да - 39,1640 сом

**Тожикистон Республикаси**
03.10.2006 й.да - 3,3842 сомоний
04.10.2006 й.да - 3,3848 сомоний
05.10.2006 й.да - 3,3846 сомоний
06.10.2006 й.да - 3,3842 сомоний

**Қозоғистон Республикаси**
03.10.2006 й.да - 127,24 тенге
04.10.2006 й.да - 127,42 тенге
05.10.2006 й.да - 127,50 тенге
06.10.2006 й.да - 127,53 тенге
09.10.2006 й.да - 127,53 тенге

**Швейцария**
03.10.2006 й.да - 1,2425 швейц. франки
04.10.2006 й.да - 1,2511 швейц. франки
05.10.2006 й.да - 1,2502 швейц. франки
06.10.2006 й.да - 1,2532 швейц. франки
09.10.2006 й.да - 1,2597 швейц. франки

**Япония**
03.10.2006 й.да - 117,59 япон иенаси
04.10.2006 й.да - 118,05 япон иенаси
05.10.2006 й.да - 117,58 япон иенаси
06.10.2006 й.да - 118,00 япон иенаси
09.10.2006 й.да - 119,16 япон иенаси

**1 Англия фунт стерлинги**
**Буюк Британия**
03.10.2006 й.да - 1,8880 АҚШ долл.
04.10.2006 й.да - 1,8816 АҚШ долл.
05.10.2006 й.да - 1,8866 АҚШ долл.
06.10.2006 й.да - 1,8765 АҚШ долл.
09.10.2006 й.да - 1,8703 АҚШ долл.

**1 евро**
**Евроминтақа**
03.10.2006 й.да - 1,2762 АҚШ долл.
04.10.2006 й.да - 1,2688 АҚШ долл.
05.10.2006 й.да - 1,2708 АҚШ долл.
06.10.2006 й.да - 1,2681 АҚШ долл.
09.10.2006 й.да - 1,2602 АҚШ долл.

**** Долларнинг мамлакатлар миллий валюталарига нисбатан курси марказий (миллий) банкларнинг расмий хабарлари ва «REUTERS» тизими маълумотлари асосида берилди.***

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# СОЛИҚ МАСЛАҲАТИ ТЎҒРИСИДА

***Қонунчилик палатаси томонидан***
***2006 йил 29 июнда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2006 йил 25 августда маъқулланган.***

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади солиқ маслаҳати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Солиқ маслаҳати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Солиқ маслаҳати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг солиқ маслаҳати тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Солиқ маслаҳати тушунчаси**

Солиқ маслаҳати солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг юридик ва жисмоний шахсларга (бундан буён матнда мижозга (ишонч билдирувчига деб юритилади) шартнома асосида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятидир.

**4-модда. Солиқ маслаҳатининг асосий принциплари**

Солиқ маслаҳати қонун устуворлиги, мустақиллик ва махфийлик принципларига асосланади.

**5-модда. Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар**

Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар:

мижозга (ишонч билдирувчига) солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш масалалари (бундан. буён матнда солиқ солиш масалалари деб юритилади) бўйича маслаҳат беришни;

солиқ солиш масалалари бўйича ҳужжатлар, тузишда мижозга (ишонч билдирувчига) ёрдам кўрсатишни;

судда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларда солиқ солиш масалалари бўйича мижоз (ишонч билдирувчи) номидан ва унинг топшириғига биноан вакиллик қилишни ўз ичига олади.

**6-модда. Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузишнинг мажбурий шарти**

Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлиги хусусидаги суғурта шартномасига биноан суғурталовчининг мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи суғурта полисининг мавжудлиги солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузишнинг мажбурий шартидир.

**7-модда. Солиқ маслаҳати соҳасидаги ваколатли давлат органи**

Солиқ маслаҳати соҳасидаги ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ваколатли давлат органи:

солиқ маслаҳати бўйича фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини (бундан буён матнда малака сертификати деб юритилади) беради, унинг амал қилишини тугатади ва уни бекор қилади;

солиқ маслаҳатчилари реестрини юритади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**8-модда. Солиқ маслаҳати бўйича кенгаш**

Ваколатли давлат органи ҳузурида ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи солиқ маслаҳати бўйича кенгаш тузилади. Солиқ маслаҳати бўйича кенгаш таркибига давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари, солиқ маслаҳати соҳасидаги мутахассислар кириши мумкин.

**9-модда. Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти**

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатувчи тижорат ташкилотидир.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти акциядорлик жамиятидан ташқари, исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши ва ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг раҳбари солиқ маслаҳатчиси бўлиши керак.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти ушбу Қонуннинг 5-моддасида назарда тутилган солиқ маслаҳати бўйича хизматлар билан бир қаторда:

бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш ва юритиш;

молиявий ҳисобот тузиш;

бухгалтерия ҳисоби, менежмент ва молия-хўжалик фаолиятининг бошқа масалалари бўйича консалтинг хизматлари ҳам кўрсатиши мумкин.

**10-модда. Солиқ маслаҳатчилари ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш**

Солиқ маслаҳатчилари ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг давлат реестрини юритиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**11-модда. Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг ҳуқуқлари**

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мижоздан (ишонч билдирувчидан) солиқ маслаҳатини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни ва бошқа маълумотларни олиш;

солиқ маслаҳати бериш жараёнида юзага келган масалалар бўйича мижоздан (ишонч билдирувчидан) оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар олиш;

солиқ маслаҳатини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот, маълумотномалар, ҳужжатлар ва бошқа материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муассасалар ҳамда ташкилотлардан сўраб олиш;

солиқ солиш масалалари бўйича давлат органларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мурожаат қилиш (илтимос қилиш, таклифлар киритиш, сўровлар, аризалар, шикоятлар бериш ва бошқа шу кабилар) ҳамда улардан жавоблар олиш;

солиқ маслаҳатида иштирок этишга бошқа мутахассисларни белгиланган тартибда жалб қилиш;

мижоз (ишонч билдирувчи) солиқ маслаҳатини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни тақдим этмаган тақдирда, солиқ маслаҳати беришни рад қилиш.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти қонун ҳужжатларига ва солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**12-модда. Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг мажбуриятлари**

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти:

мижознинг (ишонч билдирувчининг) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган усуллари ҳамда воситаларидан фойдаланиши;

солиқ маслаҳатини амалга ошираётганда олинган ахборотнинг махфийлигига риоя этиши;

солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилаётганда мижознинг (ишонч билдирувчининг) талабига биноан малака сертификатини кўрсатиши;

мижозга (ишонч билдирувчига) унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан зарар етказилганлиги ҳақида далолат берувчи фактлар, шунингдек қонун ҳужжатларининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, бу ҳақда мижозга (ишонч билдирувчига) маълум қилиши шарт.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг зиммасида қонун ҳужжатларига ва солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**13-модда. Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот**

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти мижозга (ишонч билдирувчига) солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот тақдим этади.

Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган солиқ маслаҳати предмети ҳақидаги ахборотни ўз ичига олади.

Солиқ маслаҳати бўйича ҳисоботдаги ахборот махфийдир ва ошкор қилиниши мумкин эмас.

Солиқ маслаҳати бўйича ҳисоботнинг ҳар бир бети солиқ маслаҳатини амалга оширган солиқ маслаҳатчиси томонидан имзоланади, ҳисобот солиқ маслаҳатчилари ташкилоти раҳбарининг имзоси ва мазкур ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади.

**14-модда. Солиқ маслаҳатчиси**

Малака сертификатини олган жисмоний шахс солиқ маслаҳатчисидир.

Солиқ маслаҳатчиси, агар у солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг штатида турган бўлса ёки солиқ маслаҳатчилари ташкилоти у билан фуқаролик-ҳуқуқий характердаги шартнома тузган бўлса, солиқ маслаҳатига жалб этилиши мумкин.

Солиқ маслаҳатчиси ваколатли давлат органи белгилаган тартибда ўз малакасини ошириши шарт.

**15-модда. Малака сертификати**

Солиқ маслаҳати бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахсга бериладиган малака сертификати билан тасдиқланади.

Малака сертификати чекланмаган муддатга берилади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ҳақиқийдир.

**16-модда. Малака талаблари**

Малака сертификатини олишга қуйидаги талабларга жавоб берадиган:

олий маълумотга эга бўлган;

солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш бўйича махсус ўқув курсини ўтаган;

камида беш йиллик иш стажига, шу жумладан иқтисодий ёки юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлган шахс талабгор бўлиши мумкин.

Солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курсини белгиланган тартибда аккредитация қилинган давлат ва нодавлат таълим муассасалари ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган ўқув дастури асосида амалга оширади.

Малака талабларига жавоб берадиган шахс малака имтиҳони топширишга рухсат бериш тўғрисидаги ариза билан ваколатли давлат органига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Малака имтиҳонини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

**17-модда. Малака сертификатининг амал қилишини тугатиш**

Малака сертификатининг амал қилишини тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

солиқ маслаҳатчисининг аризаси;

солиқ маслаҳатчиси томонидан солиқ маслаҳати бериш давомида олинган маълумотлар мижознинг (ишонч билдирувчининг) ёзма рухсатисиз учинчи шахсларга тақдим этилганлиги;

солиқ маслаҳатини амалга оширишда бир йил ичида икки мартадан кўп қонун ҳужжатларини бузиш содир этилганлиги;

солиқ маслаҳати бўйича фаолиятда уч йил мобайнида иштирок этмаганлиги, шунингдек малака оширишни белгиланган тартибда ўтамаганлиги;

малака сертификатини солиқ маслаҳатида иштирок этиш учун фойдаланиш мақсадида бошқа жисмоний шахсга берилганлиги фактининг аниқланганлиги;

муайян лавозимларни эгаллаш ёки молия-хўжалик соҳасида муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзидаги жазони назарда тутувчи суд ҳукмининг қонуний кучга кирганлиги;

фуқарони белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суд қарорининг қонуний кучга кирганлиги.

Малака сертификатининг амал қилиши уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан тугатилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг учинчи, тўртинчи ва олтинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар бўйича малака сертификатининг амал қилиши тугатилган шахс малака сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч йил ичида ваколатли давлат органига малака сертификати олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли эмас.

Ваколатли давлат органининг малака сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

**18-модда. Малака сертификатини бекор қилиш**

Малака сертификатини бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

ваколатли давлат органининг малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарорининг ноқонуний-лиги аниқланганлиги;

малака сертификатининг сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганлиги.

Малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарор малака сертификати берилган санадан эътиборан амал қилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисида назарда тутилган асослар бўйича малака сертификати бекор қилинган шахс малака сертификати бекор қилинганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч йил ичида ваколатли давлат органига малака сертификати олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли эмас.

Ваколатли давлат органининг малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

**19-модда. Солиқ маслаҳатчисининг ёрдамчиси**

Малака сертификатига эга бўлмаган ва солиқ маслаҳатчисининг солиқ маслаҳати билан боғлиқ топшириқларини солиқ маслаҳати бўйича ҳисоботга имзо қўйиш ҳуқуқисиз бажарувчи жисмоний шахс солиқ маслаҳатчисининг ёрдамчиси бўлиши мумкин.

Солиқ маслаҳатчиси ёрдамчисининг меҳнат шароитлари қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда солиқ маслаҳатчилари ташкилоти билан тузилган меҳнат шартномасида белгиланади.

Солиқ маслаҳатчисининг ёрдамчиси сифатида ишланган вақт малака сертификати олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади.

**20-модда. Солиқ маслаҳати бўйича фаолиятнинг кафолатлари**

Учинчи шахсларнинг солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг фаолиятига аралашиши, улардан профессионал хизматлар кўрсатиш вақтида олинган бирон-бир маълумотни талаб қилиши, шунингдек бундай маълумотларни солиқ маслаҳатчиларидан, солиқ маслаҳатчиларининг ёрдамчиларидан ва солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш жараёнида иштирок этаётган бошқа шахслардан талаб қилиши тақиқланади.

Солиқ маслаҳатини амалга ошираётган шахслардан улар солиқ маслаҳати бўйича вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ ҳолда тайёрлаган ҳужжатларнинг олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас.

Солиқ маслаҳатчиси ва унинг ёрдамчиси профессионал вазифаларини бажаришлари муносабати билан ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас.

Солиқ маслаҳатчилари ва уларнинг ёрдамчилари суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан экспертлар ҳамда мутахассислар сифатида, шунингдек текширувларни амалга оширишга жалб этилиши мумкин эмас.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида хизмат қилувчи шахслар солиқ маслаҳатига жалб этилиши мумкин эмас.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан ташкил этилиши мумкин эмас.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган бошқа шахслар солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг муассислари бўлиши мумкин эмас.

**21-модда. Солиқ маслаҳатчиларининг бирлашмаси**

Солиқ маслаҳатчилари ва (ёки) солиқ маслаҳатчиларининг ташкилотлари умумий манфаатларни ифода этиш ва ҳимоя қилиш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ маслаҳатчилари бирлашмасини ташкил этиш ҳуқуқига эга.

**22-модда. Низоларни ҳал қилиш**

Солиқ маслаҳати соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**23-модда. Солиқ маслаҳати бўйича жавобгарлик**

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномани бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида мижозга (ишонч билдирувчига) зарар етказганлиги учун жавобгар бўлади. Мижозга (ишонч билдирувчига) етказилган зарарларнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши керак.

Солиқ маслаҳатчиси ишни сифатсиз бажарганлиги, тижорат сирини ошкор этганлиги натижасида етказилган зиён ва солиқ маслаҳатчилари ташкилоти зарар кўришига олиб келган бошқа хатти-ҳаракатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ маслаҳатчилари ташкилоти олдида жавобгар бўлади.

**24-модда. Солиқ маслаҳати тўғрисидаги қонун кужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Солиқ маслаҳати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**25-модда. Қонун кужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:**

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**26-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 21 сентябр
№ ЎРҚ - 55

Омонат ва Сармоя
Аҳоли учун махсус саҳифа

# ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ДЕПОЗИТЛАРИ БЎЙИЧА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ТАКЛИФ ҚИЛИНАЁТГАН ФОИЗ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

*2006 йил 1 октябр ҳолатига*

| Омонат (депозит) номи | Муддати | Йиллик фоизи | Бошланғич бадал | Эслатма |
|---|---|---|---|---|
| **ТИФ Миллий банки** | | | | |
| Пластик карточка | | 16 | 150 | Фоизлар ҳар ойда капитализацияни ҳисобга олган ҳолда берилади. |
| «Таътил»* | 3 ой | 21 | 10000 | Фоизлар ҳар ойда капитализацияни ҳисобга олмаган ҳолда берилади. |
| «Келажак»* | 5 йил | 25 | 1000 | 16 ёшгача бўлган болаларга очилади. |
| «Ният» | | 4,5 | | Автомобил қийматининг 50%ни қўйилади. |
| «Омонлик»* | 6 ой | 20 | 50000 | Фоизи қўйилган кунда (аванс) берилади. |
| «Омадли»* | 2 йил | 23 | 100000 | |
| «Совға»* | 90 кун | 24 | 300000 | 20 октябргача қабул қилинади. Қўшимча маблағ қабул қилинмайди. |
| «Шифокор»* | 6 ой | 28 | 50000 | Тиббиёт ходимларига очилади, фоизи муддати тугаганидан сўнг берилади. |
| «Кўпайсин»* | 1 йил | 21 | 200000 | 25 ноябрдан қабул қилинади. |
| **Пахта Банк** | | | | |
| Муддатли | 6 ой | 18 | 50000 | Фоизлар муддати тугагандан кейин берилади. |
| Муддатли | 1 йил | 20 | 50000 | Фоизлар муддати тугагандан кейин берилади. |
| Муддатли | 3 йил | 21 | 50000 | Фоизлар бир йилдан сўнг берилади. |
| Муддатли | 5 йил | 22 | 50000 | Олинмаган фоизлар асосий суммасига қўшиб борилади. |
| «Фаровонлик»* | 3-6 ой | 20-22 | 5000 | Фоизни ҳар ойда олиш мумкин. |
| «Оқ олтин»* | 6 ой | 22 | 2000 | Фоизлар асосий суммага қўшилмайди ва маблағ қўйилган кунда 1 ой учун омонатчиларга берилади, маблағлар нақд пулда қабул қилинади. |
| «Пахтакор»* | 3 ой | 21 | 1000 | Фоизлар асосий суммага қўшилмайди ва ҳар ойда омонатчиларга берилади, маблағлар нақд ва нақд пулсиз қабул қилинади. |
| «Барака»* | 3, 6, 9 ой ва 1 йил | 14-20 | 20000 | Фоизлар асосий суммага қўшилмайди, аванс тариқасида (олдиндан) ёки босқичма-босқич омонатчиларга берилади, маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Фоизлар йиллик 14 дан 20 гача сақланиш муддатига қараб тўланади. |
| «Баҳор»* | 9 ой | 20 | 20000 | Омонат фақат нақд пулда қабул қилинади. |
| «Мураббий»* | 3 ой | 24 | 100000 | 31 декабргача қабул қилинади, фоизлар муддати тугаганидан сўнг тўлаб берилади. |
| «Олтин куз»* | 6 ой | 24 | 100000 | 31 декабргача қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади. |
| «Ҳосил-2006»* | 6 ой | 22 | 200000 | Қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган меҳнаткашларга мўлжалланган. 1 сентябрдан 10 ноябргача қабул қилинади. |
| «Саховат»* | 1 йил | 22 | 20000 | Фоизлар асосий суммага қўшилмайди ва ҳар ойда омонатчиларга берилади. |
| «Навниҳол»** | 1 йил | 14 | 1000 | 16 ёшдан 25 ёшгача қўйилган маблағ олинадиган муддатида 50000 сўмга етса 10% қўшиб ҳисобланади. |
| «Болалар келажагимиз»** | 1-5 йил | 18-24 | 10000 | Фоизлар ҳар 3 ойда берилади. 1 йил муддатга 18-20%, 2 йилга 19-21%, 3 йилга 20-22%, 4 йилга 21-23%, 5 йилга 22-24%. |
| «Маиший тўлов»** | 2 йил | 30 | коммунал ва бошқа тўлов | Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Фоизлар ҳар ойда коммунал тўловларга ўтказиб берилади. |
| «Истеъмол омонати»* | 2 йил | 10 | | Омонатнинг миқдори "истеъмол кредит"нга олинаётган истеъмол молларининг 30% миқдорида. |
| «Автоомонат»** | 3 йил | 10 | | Автомобил қийматининг 50% қўйилади. |
| Пластик карточка | | 18 | | Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда омонатчиларга берилади, нақд ва нақд пулсиз қабул қилинади. |
| **Ўзсаноатқурилиш банки** | | | | |
| «Максадли болалар омонати»** | 10 йил | 22 | 100 | |
| «Сюрприз»*** | | 8 | 100 | Йилига 2 марта ўйин ўтказилади. |
| «Қулай»* | 3 ой | 20-21,93 | 25000 | Фоизни ҳар ойда олиш мумкин. |
| «Маиший хизмат тўловига»* | 2 йил | 22 | | |
| «КВ-1»* | 1 ой | 18 | | |
| «Фойдали»** | 6 ой | 21 | 100000 | Ҳар ойда қўшимча маблағ қўйиб бориш мумкин. |
| «Сармоя»** | 9 ой | 20 | 50000 | Капитализация билан. |
| «Танлов»* | 6 ой | 21-23,13 | 50000 | Капитализация билан. |
| «Шодиёна»* | 3 ой | 24 | 100000 | Фоизлар муддати тугаганидан сўнг берилади. |
| «Саломатлик»* | 3 ой | 22 | 100000 | Капитализациясиз. |
| «Барака»* | 1 йил | 22-24,35 | 50000 | Капитализация билан. |
| «Эффект»** | 10 ой | 22 | 100000 | Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади. |
| «Кафолат плюс»** | | 1 | 100 | Нақд пулда қабул қилинади. |
| Пластик карточка | | 8 | 100 | |
| Visa Electron Пластик карточка | | 16 | | |
| Visa Classic Пластик карточка | | 24 | | |
| **Микрокредитбанк** | | | | |
| «Сиҳат-саломатлик»* | 1 йил | 22,0 | 1000000 | Фоизлар ҳар чоракда берилади. |
| «Орзу»* | 3 ой | 22,0 | 50000 | 3 ойдан кам бўлмаган муддатга. |
| «Она юрт»* | 3 ой | 22,0 | 150000 | Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади. |
| «Истеъмол жамғармаси»* | | | 150000 | Истеъмол кредити фоизини сўндириш мақсадидаги омонат. |
| «Тадбиркор»* | 6 ой | 23,0 | 25000 | Фоизлар олдиндан тўлаб берилади. |
| «Тежамкор-коммуналчи»* | 2 йил | 26,0 | | Фоизлар фақат коммунал тўловларга ўтказиб берилади. |
| «Ҳомий»* | 4 ой | 22,0 | 200000 | Фоизлар омонатчининг хоҳишига кўра ҳар ойда тўлаб берилади. |
| «Шифокор»* | 5 ой | 22,0 | 200000 | Фоизлар муддати тугаганидан сўнг берилади. |
| «Мучал тўйи»* | 3 ой | 23,0 | 200000 | Фоизлар омонатчининг мучал ойида тўлаб берилади. |
| «Омад»* | 4 ой | 22,0 | 150000 | Фоиз тўловлари олдиндан тўлаб берилади. |
| «Нуроний»* | 1 йил | 20,0 | | Фоизлар муддати тугаганидан сўнг берилади. |
| **Савдогарбанк** | | | | |
| «Номи кўрсатилмаган»* | 1 ой | 18,0 | 100000 | Фоизлар муддати тугаганидан сўнг берилади. |
| «Автожамғарма» | 3 йил | 20,0 | | Кредит олиш учун. |
| «Фаровон ҳаёт» | Пластик карточка | 16,0 | | |
| **Ғаллабанк** | | | | |
| «Имконият»* | 6 ой | 18,0 | 10000 | Омонат муддати тугагандан сўнг маблағга уй-рўзғор ашёси, енгил автомобил, турар жойлар сотиб олиш мумкин, ойига 1,5% устама ҳисобланади. |
| «Саломатлик»* | 11 ой | 19,8 | 10000 | Ойига 1,7% устама ҳисобланади ва фақат саёҳат чиқиш ва саломатликни тиклаш учун сарфланади. |
| «Нафақа мададкор»* | 1 йил | 18,0 | 10000 | Омонат фақат нафақахўрларга очилади ва ҳар ойда 1,5% устама берилади |
| «Ishonch»* | 3 ой - 3 йил | 18-20,4 | 10000-5000000 | Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин: тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан 18% дан 20,4% гача устама тўлашга келишилади. |
| «Luks»* | 3 ой - 3 йил | 18,6-21 | 5000000-10000000 | Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин: тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан 18,6% дан 21,6% гача устама тўлашга келишилади. |
| «Саховатли куз»* | 4 ой | 24,0 | 100000 | 11 сентябрдан 11 октябргача қабул қилинади, ҳар икки ойда фоиз тўланади. |
| «Коммунал омонати»* | 3 ой | 21,6 | 100000 | Йилига 21,6% миқдорда устама тўланади. |
| «Kafolat»* | 3 ой - 3 йил | 19,2-21,6 | 5000000 - 10000000 | Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин: тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан 19,2% дан 21,6% гача устама тўлашга келишилади. |
| «Меҳригиё»** | 18 йил | 15,6 | 10000 | Йилига 15,6%дан ҳисоблаб, капитализациясиз 18 ёшга тўлганда берилади. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларни номига ҳомийлик асосида махсус очилади. |
| Пластик карточка | Талаб қилиб олингунча | МБ қайта молиялаш ставкаси миқдорида | 1000 | Фоизлар кунлик ҳисобланади, ой охирида капитализация қилинади. |
| «Kelajak»** | 16 йил | МБ қайта молиялаш ставкаси миқдорида | 10000 | МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида бир йилда бир марта молия йили якунида тўланади. |
| **Туронбанк** | | | | |
| 18 ёшгача болалар** | 5 йил | 16,0 | 1000 | Фоизи 18 ёшга тўлгандан сўнг тўланади. Муддати 5 йилдан кам бўлмаслиги лозим. |
| «Ният»** | 2 йил | 5,0 | | Автомобил сотиб олиш учун кредит олишга мўлжалланган омонат. |
| «Келажак»** | 3 йил | 5,0 | 2000 | Истеъмол кредити беришга мўлжалланган. |
| «Омад қувончи»** | | 5,0 | 10000 | Ютуқли омонат бўлиб, тираж ҳар 6 ойда ўтказилади. |
| «Кафолат»* | 10 кун | 23,0 | 10000 | Ҳар ойнинг 25 санасидан кейинги ойнинг 5 санасигача. |
| «Нуроний»* | 3 ой | 23,0 | 50000 | Қариялар учун мўлжалланган. |
| «Орзу»* | 3, 6 ва 12 ой | 18,0 | 2000 | Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади. |
| «Имконият»* | 1 ойдан 1 йилгача | 21,0 | 50000 | Фоиз даромадларини олиш муддатларини омонатчи белгилайди. |
| «Бинафша»* | 1, 2, 3 ой | 18,0 | 50000 | Омонатчи сақлаш муддатини хоҳишига кўра белгилайди. |
| «Ўқувчи»* | 2 ой | 16,0 | 50000 | Ўқувчиларни янги ўқув йилига тайёрлаш учун омонат. |
| «Ҳамкорлик»* | 5 ой | 23,0 | | Коммунал тўловларга ўтказиб берилади. |
| «Шодиёна»* | 5 ой | 24,0 | 50000 | Омонат бўйича ҳисобланган фоизларни ҳар ойда берилади. 15 октябргача қабул қилинади. |
| «Фаровонлик»* | 2 йил | 3,0 | 10000 | Истеъмол кредити беришга мўлжалланган. |
| Пластик карточка | талаб қилиб олингунча | 16,0 | 3000 | Депозитларга ҳисобланган фоиз даромадлари ҳар ойда капитализация қилинади. |
| **Асака банк** | | | | |
| «Орзу»* | 3 ой | 18,0 | 5000 | Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой ва ундан юқори. |
| Муддатли | 6 ойдан 1 йилгача | 17,0 | 1000 | Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади. |
| Муддатли | 1-3 йил | 17,0 | 1000 | Фоизлар омонат ёпилганда тўланади. |
| Муддатли | 3-5 йил | 17,0 | 1000 | Фоизлар омонат ёпилганда тўланади. |
| «Табассум»* | 45 кун | 18,0 | 250000 | Омонатнинг сақланиш муддати 45 кун. |
| «Наврўз»* | 2 ой | 18,0 | 250000 | |
| «Умид»* | 3 ой | 18,0 | 10000 | Капитализацияси билан. |
| «Байрам»* | 3 ой | 22,0 | 150000 | Фоизлар аванс тариқасида берилади. |
| «Юбилейный»* | 6 ой | 18,0 | 150000 | Фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади. |
| «Автоомонат» | 2,5 йил | 12,0 | | Кредит олиш учун. |
| «Харидор»* | 3 йил | 12,0 | | Истеъмол кредитига мўлжалланган. |
| Пластик карточка | | 16,0 | 1000 | |

**** муддатли, ** жамғарма, *** ютуқли.***

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **Ипотека-банк** | | | | |
| «Антиқа»* | 1, 6, 12 ой | 22,21,20 | 5000 | |
| «Болажон»* | 5 йил | 14,0 | | 18 ёшга тўлгунича. |
| «Эзгулик»* | 4 ой | 21,0 | 10000 | Фоизларни ҳар ойда олиш мумкин ёки фоизлар капитализация қилиниши мумкин. |
| «Хумо»* | 3 ой | 20,0 | 10000 | Фоизларни ҳар ойда олиш мумкин ёки фоизлар капитализация қилиниши мумкин. |
| «Мехрибонлик»* | 3 ой | 22,0 | 10000 | Фоизларни ҳар ойда олиш мумкин ёки фоизлар капитализация қилиниши мумкин. |
| «Мураббий»* | 3 ой | 24,0 | 50000 | Фоизи омонат ёпилганда тўланади. |
| «Истиқбол»* | 2 ой | 22,0 | 10000 | 15 кун тўлганда. |
| «Адолат»* | 6 ой | 20,0 | 100000 | Фоизи омонат ёпилганда тўланади. |
| «Мустақиллик тухфаси»* | 6 ой | 24,0 | 50000 | Фоизларни ҳар ойда олиш мумкин. |
| «Жозиба»* | 3 ой | 21,0 | 50000 | Фоизларни аванс ҳолда олиш мумкин. |
| «Маиший хизмат тўловлари» * | 1 йил | 24,0 | | |
| Пластик карточка | | 14,0 | | |
| Уйжойжамғарма-банк омонати | | 2,0 | | |
| **Алоқабанк** | | | | |
| Муддатли | 3 ой | 22,0 | 1000 | Фоизларни ҳар ойда олиши мумкин. |
| Муддатли | 6 ой | 22,0 | 1000 | -//- |
| Муддатли | 1 йил | 23,0 | 1000 | -//- |
| «Байрам»* | 4 ой | 20,0 | 1000 | Энг кўп қўйиладиган омонат миқдори 10000000 сўм. Фоизлар ҳар ойда берилади. |
| «Хумо»* | 12 ой | 20,0 | 10000 | Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади. |
| «Махсус» | | 30,0 | 100 | Бу омонатдан коммунал ва телефон тўловларига пул ўтказиш мумкин. |
| «Орзу»** | 3 йил | 3,0 | 20%ли Истеъмол кредити | Истеъмол кредити. |
| «Файзли»* | 6 ой | 21,0 | 10000 | Фоизлар ҳар ойда тўланади. |
| «Сахий»* | 2 ой | 22,0 | 100000 | Фоизлар омонат муддати тугагач берилади. |
| «Шифокор»* | 6 ой | 22,0 | 100000 | Фоизлар ҳар ойда тўланади. |
| «Пахтакор»* | 3 ой | 25,0 | 10000 | Капитализация билан. |
| «Истиқлол»* | 3 ой | 24,0 | 50000 | Муддати тугаганидан сўнг капитал билан қўшиб берилади. |
| «Тухфа»* | 6 ой | 20,0 | 100000 | Капитализацияси билан. |
| «Яхши ният»** | 6 ой | 20,0 | 1000 | Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади. |
| «Бахтли болалик»* | 3-17 йил | 30,0 | 10000 | 1 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар учун. |
| **Инвестбанк** | | | | |
| «Ҳазина»* | 3 ой | 20,0 | 100000 | Ҳар ой фоиз тўланади. |
| Муддатли | 6 ой | 22,0 | 100000 | Ҳар ой фоиз тўланади. |
| **Халқ банки** | | | | |
| «Тақдим этувчига»* | 3 ой | 18,0 | 5000 | Омонат ҳар ойда тўлаб берилади. |
| «Ташаккур»* | 3 ой | 18,0 | 5000 | Тошкент вилояти учун. |
| «Маҳалла фидойилари»* | 6 ой | 36,0 | 300000 | Маҳалла фаолларининг рўйхати асосида очилади. Фоизи коммунал тўловлар учун ўтказилади. |
| «Олтин водий»* | 6 ой | 18,0 | 50000 | Фоиз олдиндан тўланади. Фарғона вилояти учун. |
| «Пойтахт»* | 100 кун | 18,0 | 1000 | Омонат шартини бузилса ва омонатини талаб қилиб олса, талаб қилиб олгунча фоиз ставкаси бўйича даромади тўланади. |
| «Мукофот»* | 3 ой | 18,0 | 5000 | 3 ой муддатга қабул қилиниб омонат қолдиги 4,5% тўланади. |
| «Имконият»* | 1 йил | 14,0 | 10000 | 1 йил муддатга фақат нақд пул қабул қилиниб 1-санага фоиз даромади ҳисобланади. |
| «Даромад манбаи»* | 6 ой | 22,0 | 100000 | Фоизлар ҳар ойда тўланади. |
| «Айём»* | 3 ой | 12,0 | 10000 | Ютуқли омонат тури. |
| «Ташаббус»* | 3 ой | 22,0 | 20000 | Фоизлар коммунал тўловларга ўтказиб берилади. |
| «Ҳамкор»* | 1 йил | 22,0 | 300000 | Фоизлар ҳар ойда тўланади. |
| «Фарзанд келажаги»** | 6 йил | 14,0 | 10000 | Фарзанд 7 ёшга тўлгунча амал қилинади. |
| «Тадбир»** | 3 ой | 24,0 | 20000 | Қўшимча маблағ қўйиб бориш мумкин. Фоизлар муддати тугаганидан сўнг берилади. |
| «Мустақил ҳаёт»** | 6 йил | 14,0 | 10000 | Фарзанд 16 ёшга тўлгунча амал қилинади. |
| **Траст банк** | | | | |
| «Фойдали»* | 3 ой | 17,0 | 300000 | Фоизлар муддати тугаганидан сўнг берилади. |
| «Яхши ният»* | 1 ой | 15,0 | 100000 | Фоизлар муддати тугаганидан сўнг берилади. |
| «Шодлик»* | 45 кун | 17,0 | 100000 | Фоизлар муддати тугаганидан сўнг берилади. |
| «Аъло»* | 6 ой | 18,0 | 1000000 | Фоизлар ҳар ойда тўланади. |
| "Оқ йўл"* | 24 ой | 12,0 | | Автомобилнинг нархидан 50% кам бўлмаслиги керак, кредит олиш учун. |
| **Ало Жамол банк** | | | | |
| «Оила»* | 6 ой | 22 | 50000 | Омонатнинг фоизларини ҳар ой ёки муддати тугагандан сўнг берилади. |
| «Мураббий»* | 3 ой | 22 | 100000 | |
| «Набира»* | 1 йил | 20 | 50000 | Омонатнинг фоизларини ҳар ой ёки муддати тугагандан сўнг берилади. |
| **Равнақ банк** | | | | |
| «Олтин куз»* | 3 ой | 18 | 300000 | |
| «Барака»* | 6 ой | 20 | 500000 | |
| **Туркистон банк** | | | | |
| Муддатли | 2 ой | 22 | 50000 | 2 ойдан сўнг 4 фоиз қўшиб тўланади. |
| Муддатли | 3 ой | 22 | 5000 | 3 ойга 9 фоиз қўшиб тўланади. Ўз вақтида олинмаса назоратчи томонидан 2-муддатга узайтирилади. |
| Муддатли | 6 ой | 22 | 5000 | 6 ойга 11 фоиз тўланади. |
| Муддатли | 12 ой | 24 | 10000 | 12 ойдан сўнг 24 фоиз қўшиб тўланади. |
| «Капитал плюс»* | 6 ой | 22 | 5000 | Ҳар ойда 1,8 фоиз тўланади. |
| **Капитал банк** | | | | |
| Муддатли | 12 ой | 22 | 500000 | Фоизлар ҳар ойда тўланади. |
| **Универсал банк** | | | | |
| «Универсал капитал»* | 3 ой | 22 | 1000 | Капитализациясиз. Қўшимча маблағ қабул қилинмайди. |
| «Капитал»* | 6 ой | 22 | 5000 | Капитализациясиз. Қўшимча маблағ қабул қилинади. |
| «Эгасининг номи кўрсатилмаган»* | 6 ой<br>9 ой<br>12 ой | 6-18<br>9-20<br>12-20 | 100000 | Капитализациясиз. Қўшимча маблағ қабул қилинмайди. |
| «Коммунал сервис»* | 12 ой | 30 | 50000 | Капитализациясиз. Қўшимча маблағ қабул қилинади. |
| «Истеъмол»* | 12 ой | Қайта молиялаш ставкасининг 75%дан кам бўлмаган миқдорда | 1000 | Капитализациясиз. Қўшимча маблағ қабул қилинади. |
| «Ишонч»* | 3 ой | 24 | 500000 | 2006 йил 31 декабргача қабул қилинади. Капитализациясиз. Қўшимча маблағ қабул қилинади. |
| Пластик карточка | талаб қилиб олингунча | 6 | | Қўшимча маблағ қабул қилинади. |
| «Автоомонат»* | 2 йил | 12 | | Капитализациясиз. Қўшимча маблағ қабул қилинади. |

## ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ДЕПОЗИТЛАРИ БЎЙИЧА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ТАКЛИФ ҚИЛИНАЁТГАН ФОИЗ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

*2006 йил 1 октябр ҳолатига*

| Депозит тури | Муддати | Йиллик фоизи | Бошланғич бадал | Эслатма |
|---|---|---|---|---|
| **ТИФ Миллий банки** | | | | |
| Эгаси ёзилган (Именной) | | | | Фоизлар белгиланган ставкалар бўйича чет эл валютасида тўланади. |
| Муддатли | 1-2 йил | 3,75<br>4<br>4,5 | 300-5000<br>5000-10000<br>10000 дан юқори | |
| Муддатли | 2-3 йил | 4,25<br>4,5<br>5,25 | 300-5000<br>5000-10000<br>10000 дан юқори | |
| Муддатли | 3 ой | 2,75<br>3<br>3,5 | 300-5000<br>5000-10000<br>10000 дан юқори | |
| Муддатли | 6 ой | 3,25<br>3,5<br>4 | 300-5000<br>5000-10000<br>10000 дан юқори | |
| "Хавас"** | 1 йил | 6 | 1000 | 3 ой муддатдан сўнг қўшимча маблағ қўйиш имконияти бор. |
| "Сармоя-1"* | 45 кун | 6 | 10000 | Фоизлар сўмда тўлаб берилади. |
| "Сармоя-2"* | 2 ой | 5,5 | 5000 | Қўшимча маблағ қабул қилинмайди. |
| "Фойдали"* | 6 ой | 4,5 | 5000 | Фоизлар аванс тариқасида берилади. |
| Тақдим этувчига (на предъявителя) | | | | |
| Муддатли | 1-2 йил | 3,5<br>3,75<br>4,25 | 300-5000<br>5000-10000<br>10000 дан юқори | |
| Муддатли | 2-3 йил | 4<br>4,25<br>4,75 | 300-5000<br>5000-10000<br>10000 дан юқори | |
| Муддатли | 3 ой | 2,5<br>2,75<br>3,25 | 300-5000<br>5000-10000<br>10000 дан юқори | |
| Муддатли | 6 ой | 3<br>3,25<br>3,75 | 300-5000<br>5000-10000<br>10000 дан юқори | |
| **Ўзсаноатқурилишбанки** | | | | |
| Муддатли | 1 йил | 6 | 100 | |
| **Асака банк** | | | | |
| Муддатли | 6 ойдан 1 йилгача | 5,0 | 1000-2000 | Фоизи омонат ёпилганда тўланади. |
| Муддатли | 6 ойдан 1 йилгача | 5,5 | 2000-5000 | Фоизини ҳар ярим йилда олиш мумкин. |
| Муддатли | 6 ойдан 1 йилгача | 6,0 | 5000 ва юқори | Фоизини ҳар ярим йилда олиш мумкин. |
| **Ипотека-банк** | | | | |
| Муддатли | 1-3 ой | 2,5 | 1000 | |
| Муддатли | 3-6 ой | 3,0 | 1000 юқори | |
| Муддатли | 6-9 ой | 3,5 | 1000 юқори | |
| Муддатли | 9-12 ой | 4,0 | 1000 юқори | |
| Муддатли | 1-3 йил | 5,0 | 1000 юқори | |
| Муддатли | 3-5 йил | 6,0 | 1000 юқори | |
| Муддатли | 5 йилдан юқори | 8,0 | 1000 юқори | |
| **Туронбанк** | | | | |
| Муддатли | 12 ой | 4,0 | 500 | Қабул қилиш, фоиз тўлаш чет эл валютасида амалга оширилади. |
| Муддатли | 3 ой | 6,0 | 100 | Фоизлар тўлов кунига курс бўйича бўнак тариқасида берилади. |
| Муддатли | 6 ой | 8,0 | 500 | |
| Муддатли | 12 ой | 10,0 | 1000 | Курс бўйича бўнак тариқасида берилади. |
| **Халқ банки** | | | | |
| Муддатли | 1 йил | 1,5 | 300 | Фоиз даромадлари талаб қилиб олингунча омонатига белгиланган фоиз ставкаси. |
| **Инвестбанк** | | | | |
| "Фортуна"* | 2 ой | 4 | | Фоизлар олдиндан тўланади |
| | 3 ой | 5 | | -//- |
| | 4 ой | 5 | | -//- |
| | 5 ой | 6 | | -//- |
| | 6 ой | 7 | | -//- |
| | 7 ой | 8 | 500 | Чораклик фоизлар олдиндан тўланади |
| | 8 ой | 9 | 500 | -//- |
| | 9 ой | 10 | 1000 | -//- |
| | 10 ой | 10 | 1000 | -//- |
| | 11 ой | 10 | 1500 | -//- |
| | 12 ой | 10 | 2000 | -//- |
| **Капитал банк** | | | | |
| Муддатли | 3, 6, 9 ой | 6 | 400 | Муддати тугагандан сўнг фоизлар чет эл валютасида тўланади. |
| Муддатли | 12 ой | 8 | 500 | -//- |
| Муддатли | 3,6,9,12 ой | 9 | 500 | Фоизлар аванс тариқасида берилади. МБ курси бўйича сўмда тўланади. |
| **Ало Жамол банк** | | | | |
| Муддатли | 90 кун | 6 | 500 | МБ курси бўйича сўмда тўланади. |
| | 6 ой | 7 | 500 | |
| | 1 йил | 10 | 500 | |
| **Алоқа банк** | | | | |
| Муддатли | 3 ой | 3 | | |
| Муддатли | 6 ой | 3,5 | | |
| Муддатли | 12 ой | 4 | | |
| Муддатли | 1 йилдан юқори | 5 | | |
| **Траст банк** | | | | |
| Ишонч-1* | 3 ой | 8 | 300 | Фоизлар сўмда берилади. |
| Ишонч-2* | 6 ой | 9 | 300 | Фоизлар аванс тариқасида берилади. |
| Ишонч-3* | 9 ой | 10 | 300 | Фоизлар сўмда берилади. |

*Ахборот ЎзР Марказий банки томонидан «Банк ахборотномаси» учун махсус тақдим этилди.*

# ТИФ МИЛЛИЙ БАНКИ: ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР КИЧИК БИЗНЕСНИ КРЕДИТЛАШГА ЙЎНАЛТИРИЛМОҚДА

***Лойиҳаларни молиялаш, универсал тижорат, инвестиция ва жамғарма банклари функцияларини энг мақбул тарзда уйғунлаштириб ишлаётган Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Ўзбекистон иқтисодиётининг амалда барча тармоқларига мансуб инвестиция лойиҳаларини молиялашда фаол қатнашиб келмоқда. Ҳозирги кунда банк иқтисодиётни чуқур таркибий қайта қуришни таъминловчи лойиҳаларни молиялаштиришни давом эттирмоқда. Булар нефт ва металл рудаларини қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, кимё саноати ҳамда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, тўқимачилик саноати, алоқа, кичик бизнесни ривожлантириш лойиҳалари ва Ўзбекистон иқтисодиётининг янги қиёфасини шакллантирувчи бошқа кўплаб лойиҳалардир.***

Ҳозирги кунда Миллий банк фаолиятидаги бош йўналиш экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқариш учун мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш бўлиб қолмоқда.

Банк фаолиятининг энг мураккаб турларидан бири лойиҳаларни молиялаштиришдир. Йирик инвестиция лойиҳалари билан бир қаторда, банк кичик бизнес лойиҳаларининг аксариятида молиялаш ташкилотчиси бўлган.

Чунончи 1993-2005 йилларда Миллий банк хорижий кредит йўналишлари, марказлашган ва ўзига тегишли ресурслар доирасида умумий кредит эҳтиёжи 5,1 млрд. АҚШ доллари эквивалентида бўлган 179 та йирик инвестиция лойиҳасини молиялаштирди. 2006 йил 1 январ ҳолатига кўра тармоқлар бўйича кредитлар тақсимланиши қуйидаги кўринишга эга:

| Тармоқ номи | Лойиҳалар сони | Лойиҳалар умумий қиймати | Ўзбекистон Миллий банк кредитлари суммаси | Берилган кредитлар умумий суммасига нисбатан % да |
|---|---|---|---|---|
| Жами: | 179 | 7487,6 | 5087,3 | 100 |
| Жумладан тармоқлар бўйича: | | | | |
| Ёқилғи-энергетика комплекси | 7 | 1559,1 | 762,2 | 14,98 |
| Тоғ-кон саноати | 12 | 372,6 | 193,2 | 3,79 |
| Кимё саноати ва минерал ўғитлар ишлаб чикариш | 10 | 407 | 374,2 | 7,36 |
| Енгил ва тўқимачилик саноати | 18 | 647,5 | 402,9 | 7,92 |
| Агросаноат комплекси | 23 | 652,6 | 596 | 11,72 |
| Қурилиш материаллари | 7 | 126,3 | 101,1 | 1,99 |
| Транспорт инфраструктураси | 21 | 1786,7 | 1 306,40 | 25,68 |
| Хизмат кўрсатиш ва сайёҳлик | 21 | 617,8 | 412,4 | 8,11 |
| Дори-дармон саноати | 10 | 97 | 77,3 | 1,52 |
| Алока ва электроника инфраструктураси | 17 | 528,5 | 423,5 | 8,32 |
| Целлюлоза ва когоз саноати | 10 | 72,6 | 45,3 | 0,89 |
| Озик-овкат саноати | 13 | 205 | 131,6 | 2,59 |
| Машинасозлик комплекси | 5 | 278,3 | 153,2 | 3,01 |

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш Миллий банк фаолиятида ҳамиша устувор ўрин тутиб келган. Тадбиркорлар валюта ресурсларидан фойдалана олишини таъминлаш учун Миллий банк ЕТТБ, ОТБ, ХМК, КФВ, ОПЕК, ИТБ каби халқаро молия муассасалари кредит йўналишлари бўйича такрор молиялаб келмоқда. Ҳозирги вақтда хорижий кредит йўналишлари доирасида умумий қиймати 422,4 млн. АҚШ доллари бўлган 146 та лойиҳа молиялашга қабул қилинган бўлиб, шундан 235,6 млн. АҚШ доллари кредитлар суммасини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий банки томонидан Ислом тараққиёт банки (ИТБ) билан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, шунга кўра Миллий банк томонидан 10,2 млн. ислом динори (15,0 млн. АҚШ доллари эквиваленти) миқдоридаги асосан кичик бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган молиялаш линияси тақдим этилди. Миллий банк 2005 йилда ўзига тегишли ва жалб қилинган маблағлар ҳамда имтиёзлар ҳисобидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун қарийб 111,8 млрд. сўм миқдоридаги кредитлар ажратган (ушбу кўрсаткич 2001 йилда 49,6 млн. сўмни, 2002 йил 65,3 млн. сўмни, 2003 йил 7,8 млн. сўмни, 2004 йилда эса 105,8 млн. сўмни ташкил қилган). Бу эса, 7000 дан зиёд қўшимча иш жойлари яратиш имконини яратди.

Шу билан бирга ТИФ Миллий банкининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга банк кредитлари, шу жумладан хорижий кредит линияларини кўпроқ жалб этиш борасида айрим ҳолларда қуйидаги муаммоларга дуч келинмоқда:

- Кичик бизнес субъектлари томонидан тақдим этилаётган техник иқтисодий асоснома ёки бизнес-режаларнинг яхши ва пухта ишланмаганлиги хорижий кредит линиялари ўзлаштирилишининг кечикишига сабаб бўлмоқда.

- Чет эл кредит линияларининг ўз вақтида ўзлаштирилмаслигининг яна бир сабаби кредит берилишда асосий шартлардан бири бўлган кредит таъминотининг етишмаслигидир.

- Хорижий кредит линиясидан кредит олиш учун тадбиркор лойиҳанинг камида 25% миқдорида ўз маблағи ёки капитал қўйилмаси билан иштирок этиши зарур. Кўп ҳолларда мамлакатимиз тадбиркорлари ушбу шартни бажариш учун бино иншоотлари билан иштирок этадилар. Бундай активлар эса кўпинча реал бозор қийматида баҳоланмайди.

- Айрим хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштирилган бизнес корхоналарида тасдиқланган бизнес-режа кўрсаткичларига тўла риоя этилмаётир, бунинг натижасида, ишлаб чиқариш қувватлари тўла ўзлаштирмасдан ва маҳсулотнинг экспорт режаси бажарилмай қолмоқда. Бизнес-режа кўрсаткичларига риоя этилмаслиги кредитларнинг қайтарилишида ҳам муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Буларнинг барчаси кичик бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорлар томонидан чет эл кредитларидан фойдаланиш имкониятларини анча торайтириб қўймоқда.

Шу сабабли фикримизча:

- республика тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган кредитлар, шу жумладан хорижий кредит линиялари ҳақида батафсил маълумотларни барча учун қулай бўлган ва танишиш осон бўлган манбалар, яъни оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ёритиб боришни ташкил қилиш, жумладан ягона Интернет сайтини яратиш керак;

- лойиҳа очилаётган ва молиялаштирилаётган пайтдаги ушланмалар микдорини камайтириш ва чегаралаш, бу билан кичик бизнес субъектлари учун қулай шароитни яратиш лозим;

- кичик бизнес субъектлари, якка тартибдаги хусусий тадбиркорлар учун хорижий кредит линиялари орқали кредитлар ажратишни янада фаоллаштириш лозим. Ваҳоланки, энг замонавий минитехнологияларга хусусий тадбиркорларимизда эҳтиёж катта;

- мамлакатимиз банклари мутахассисларининг кичик бизнес субъектларининг техник иқтисодий асосномалари ва бизнес-режаларни тез ва сифатли баҳолай олиш ва таҳлил қила олиш малакаларини доимий тарзда ошириб бориш лозим деб ўйлаймиз.

Ушбу чора-тадбирлар республикамизда банк тизимини ислоҳ қилиш жараёнини янада чуқурлаштиришга, молия бозорида эркин рақобат муҳитини шакллантиришга ва кичик бизнесни молиялашга йўналтирилган банк фаолиятини рағбатлантиришга катта таъсир кўрсатади. Тижорат банкларининг кичик бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятини яхлит дастур асосида мувофиқлаштириш мамлакатимиз иқтисодиётининг реал сектори учун ривожланган молиявий муҳитни таъминлаши, кичик бизнеснинг амалий фаоллигини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиши, уларнинг рақобатбардошлиги ошишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

***Баҳодир ЖАЛИЛОВ,***
***ТИФ Миллий банк Термиз бўлими Сариосиё филиали бошқарувчиси ўринбосари.***

# РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА ЛОЙИҲАНИ МОЛИЯЛАШ

***Лойиҳани молиялаш (ЛМ) банк фаолиятининг янги тури сифатида чет элда охирги 15-20 йилда ривож топди ва ҳозирги вақтда АҚШ ҳамда Ғарбий Европада айниқса кенг тарқалган. Молиялашнинг бу тури ўтган асрнинг 70-йилларида нефт ва бошқа энергия манбаларининг нархи қисқа давр ичида бир неча баравар ўсиб кетганлиги муносабати билан пайдо бўлди. Шунга мувофиқ, нефт ва газ қазиб чиқариш билан боғлиқ инвестиция лойиҳаларининг келтираётган фойдаси бир йилда юзлаб ва ҳатто минглаб фоизни ташкил қилди.***

Бу ҳол саноати ривожланган давлатлар банкларининг фаолиятига таъсир кўрсатди. Уларнинг анъанага айланиб қолган пассив ҳаракатлари, бўлажак қарз олувчиларнинг банкка пул сўраб бориши ўз ўрнини фаол агрессив ҳаракатларга, банкларнинг ўзи кредитлаш учун катта фойда келтирадиган лойиҳаларни (энг аввало иқтисодиётнинг нефт ва газ секторидаги лойиҳаларни) излашига бўшатиб берди. 80-йилларда нефт ва газ баҳоси пасайиб кетганидан кейин Ғарбдаги кўпгина банкларнинг лойиҳани молиялаш портфели қадрсизланиб қолди. Иқтисодиётнинг бошқа секторларидаги юқори сифатли лойиҳаларни танлаб олиш ҳисобига ушбу портфелни диверсификациялаш вазифаси кўндаланг бўлиб қолди. ЛМга ихтисослашган банклар телекоммуникациялар секторига, кон саноати, инфратузилмага (йўллар, электростанциялар ва электр таъминоти, сув таъминоти ва ҳоказолар), туризм бизнеси, кўнгил очиш индустрияси ва шу кабиларга кириб бора бошлади.

Дастлабки босқичда ЛМ соҳасида Америка ва Канада банклари устунлик қилди, кейинчалик ЛМ майдонига Буюк Британия кириб келди. Охирги 10 йилда ЛМ майдонида Япония, ГФР, Францияниг бир қатор йирик банклари пайдо бўлди. ЛМ маблағларининг манбалари сифатида мамлакатнинг ўз банк кредитларидан ташқари халқаро молия ташкилотлари (ХТТБ, ХМК, ЕТТБ ва бошқалар)нинг кредитлари ва инвестицияларини ҳам эслатиб ўтиш зарур. Гарчи бу кредитлар ва инвестицияларни соф ҳолида ЛМ билан боғлаш мумкин бўлмаса-да, бироқ бундай молиялашнинг айрим унсурлари мавжуд. Халқаро банк консорциумлари (синдикатлари) ролл-овер асосида берадиган еврокредитлар ЛМнинг мамлакатлар ажратадиган кредитдан устун турувчи анча жиддий манбаидир[1]. Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, умуман олганда, ЛМда банк консорциумлари (синдикатлари)нинг роли тўхтовсиз ошиб бормоқда. Бу, айниқса, еврокредитлар бозорида иш олиб бораётган банк консорциумлари ва синдикатларига тааллуқли.

ЛМга давлат экспорт кредитлари агентликлари: ОПИК экспорт-импорт банки (АҚШ), Экспорт-импорт банки, Халқаро савдо ва саноат вазирлиги (Япония), Экспортни ривожлантириш корпорацияси (Канада), Экспорт кредитлари бўйича кафолатлар департаменти (Буюк Британия), "Гермес" (Германия) ва ҳоказолар ҳам киришмоқда. Бу агентликлар берадиган кредитлар ва кафолатларнинг кўпчилик ҳолларда "қўшимча"си бўлади, яъни инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чоғида тегишли мамлакат компаниялари чиқарган ускуналарни мажбурий равишда харид қилиш назарда тутилади.

*Катта кўламдаги инвестиция лойиҳасини молиялаш учун ЛМдан фойдаланишнинг ёрқин мисоли "Евротуннел" лойиҳасидир.* Лойиҳанинг инвестициялаш босқичи (Ла-Манш бўғози остидан Буюк Британия билан континентал Европа ўртасида узунлиги 50 км бўлган туннел қурилиши) 1993 йил бошларида тугади. Лойиҳанинг баҳоси – 60 млрд. француз франкига тенг. Инфраструктуралар тоифасига кирадиган бу қадар йирик лойиҳа биринчи марта ҳатто давлат кафолатларини жалб эмасдан туриб хусусий сармоя асосида амалга оширилди. Махсус лойиҳа компанияси ташкил этилиб, унинг 10 млрд. француз франки миқдоридаги акциядорлик сармояси Франция-Британия қимматли қоғозларини эмиссия қилиш ҳисобига жамланди. Лойиҳа компаниясига 50 млрд. француз франки миқдорида халқаро кредит берилди (40 млрд. француз франки миқдоридаги асосий кредит ва "стэнд-бай" шартлари асосида 10 млрд. француз франки миқдорида захира кредит). 50 та халқаро банк кредит бўйича кафил бўлди. Ривожланган мамлакатларнинг 198 та банкидан иборат банк синдикати (кейинчалик унга яна 11 та банк қўшилди) кредитор бўлди. Бу синдикатга Credit Lyonnais ва 4 та бошқа француз ҳамда Британия банки бошчилик қилди.

Асосий кредит бўйича хатарлар эвазига (асосий кредитни қайтариш муддати 18 йил) объект қурилиши тугаллангунча бўлган даврда базавий ставкадан ташқари йилига 1,25 фоиз миқдорида, объект фойдаланишга топширилганидан кейин йилига 1 фоиз миқдорида, лойиҳа ўзини оқлаши кўрсаткичлари бўйича кредит битимининг шартлари бажарилмаган тақдирда, объект 3 йил ишлаганидан кейин, йилига 1,25 фоиз миқдорида маржа тўлаш назарда тутилади.

"Евротуннел" лойиҳасини амалга оширишда концессия шартномасига муҳим ўрин берилди. Шартномада "алмаштириш ҳуқуқи" назарда тутилган бўлиб, у кредиторларга концессия қарз олувчи компаниядан – бу компания ўзининг молиявий мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаган тақдирда – бошқа концессиячига ўтказилишига эришиш имконини беради. Кредит шартномаси бўйича хатарлар билан боғлиқ бир қатор мажбуриятлар (объектни ишга тушириш муддатлари, сметадаги маблағлар етишмаган тақдирда бошқа манбалардан қўшимча молиялашни таъминлаш ва ҳоказолар) қарз олувчи компания зиммасига юклатилди.

Ғарбдаги саноати ривожланган мамлакатларда ЛМ ривожланишининг асосий тамойили инвестиция лойиҳаларини молиялашнинг барча манбалари ва усулларидан: банк кредитларидан, акциялар эмиссиясидан, пай

[1] Ролл-овер кредит - ўрта ва узоқ муддатли кредит бўлиб, бу кредит бўйича лойиҳа LIBOR ставкасининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, муайян вақт (1, 3, 6, 12 ой) интервали билан белгиланади. Кредитор банк муайян миқдорда маржа ёки мукофот олади. Бу маржа бутун кредит даврида ёки лойиҳани амалга оширишнинг асосий босқичлари мобайнида ўзгармас бўлиб қолаверади. Чунончи, инвестиция босқичида анча юқори маржа ва объект фойдаланишга топширилганидан кейин анча паст маржа белгиланиши мумкин.

# ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА МАВЖУД ХАТАРЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ

***Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш фаолиятидаги саноқли хатарларгина суғурталанмоқда. Бунга қарз олувчи томонидан кредитни ўз вақтида қайтара олмаслик хатарини суғурталаш ва жисмоний шахсларнинг банкдаги муддатли омонатларини кафолатлаш тизими яратилганлигини мисол тариқасида келтириш мумкин.***

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш фаолиятида мавжуд хатарларни суғурталаш механизми ёрдамида камайтириш ва бартараф этиш борасидаги амалий чора-тадбирлар кўнгилдагидек эмас. Бунга асосий сабаб инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш хатарларини суғурталаш бўйича махсус дастурнинг ишлаб чиқилмаганлигидир. Бизнинг фикримизча, банк фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи ва банк хатарларини энг кам даражада камайтириш имкониятини берадиган суғурта турларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Дастур инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда мавжуд қуйидаги хатарларни суғуртавий ҳимояга олишга қаратилган бўлиши лозим: кредит хатари суғуртаси, фоиз хатари суғуртаси, валюта хатари суғуртаси, лойиҳани молиялаштириш билан боғлиқ хатарлар суғуртаси, сиёсий хатарлар суғуртаси, операция хатарларининг суғуртаси, банк ходимларининг учинчи шахслар олдидаги касбий жавобгарлиги суғуртаси, банк ходимларининг ҳаётини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, тижорат банкларининг лизинг операциялари суғуртаси, тижорат банкларининг мол-мулки суғуртаси, гаровга қўйилган мол-мулк суғуртаси, банкнинг инкассаторлик операциялари суғуртаси, банк хизматчисининг қаллоблик хатти-ҳаракатлари натижасида кўрилган зарарни суғурта қилиш ва банк компьютерлари ва дастурларини компьютер қаллобликларидан суғурта қилиш.

Юқорида қайд этилган инвестицион хатарларни суғуртавий ҳимояга олиш бўйича дастур ҳар бир молиялаштирувчи ташкилотнинг хусусиятларини ва уларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда тузилади.

Маълумки, 1996 йилда Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида банклараро "Ishonch" суғурта компанияси ташкил этилган эди. Ўтган йиллар мобайнида бу компания инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда пайдо бўладиган хатарларни суғурта қилиш бўйича муайян тажриба тўплаган бўлса-да, лекин бутун банк тизимини қамраб оладиган банк хатарларини комплекс суғурталаш бўйича дастурга эга эмас. Биз таклиф этаётган дастур ушбу компаниянинг стратегик ривожланишида асос сифатида қабул қилиниши мумкин.

Иқтисоди тараққий этган мамлакатларда тижорат банкларининг банк хатарларини комплекс суғуртаси бўйича полисга эга бўлиши мажбурий ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида бу суғурта "Bankers Blanket Bond" номи билан машҳурдир. Ушбу суғурта турини ривожланишига кўп жиҳатдан тижорат банклари фаолиятининг ҳамма учун очиқлиги, банк соҳасидаги рақобатнинг кучайиши ва банк имижини оширишга қаратилган сиёсат катта таъсир кўрсатган.

Таклиф этилаётган дастур доирасида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш фаолиятида мавжуд хатарларни комплекс суғурталаш бўйича Бош полис ишлаб чиқиш ва унда халқаро амалиётда мавжуд бўлган инвестицион хатарлардан ҳимояланиш тизими ўз аксини топишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

"Bankers Blanket Bond" (банк хатарларини комплекс суғуртаси)га хос бўлган асосий хусусиятлардан бири, унинг шартлари бўйича суғурталовчи ташкилот банкнинг манфаатларини суд органларида ҳам ҳимоя қилади. Бундан ташқари, суғурта ташкилоти банкнинг суд органларида ишни кўриш билан боғлиқ харажатларини ҳам қоплайди.

Ўзбекистонда инвестицион лойиҳаларни суғуртавий ҳимояга олишнинг истиқболли йўналишларидан бири- молиялаштирувчи ташкилот, яъни тижорат банки хизматчиларининг банк мижозлари олдидаги касбий жавобгарлигини суғурталаш ҳисобланади. Мутахассислар тижорат банкига ишга қабул қилинаётган пайтда учинчи шахслар, яъни банк мижозларига зарар келтириш касбий жавобгарлигини суғурта ҳимоясига олишлари шарт.

Амалиётда шундай ҳолатлар бўлиши мумкинки, банк хизматчиси ўз касбини чуқур билмаслиги туфайли ёки ўзи билмаган ҳолда мижознинг манфаатларига зарар келтириши мумкин. Масалан, тижорат банкининг операция бўлимида фаолият кўрсатаётган ходимнинг айби билан тегишли ҳисобрақамига ўтказиладиган пул маблағлари тўлов топшириқномасидаги манзил бўйича бормасдан, бутунлай бошқа йўналишга кўчирилиши мумкин.

Бунинг оқибатида банк мижози зарар кўриши, табиий. Шунинг учун биз Ўзбекистон банк амалиётида банк хизматчиларининг учинчи шахслар олдидаги касбий жавобгарлиги суғуртасини жорий этишни таклиф этамиз. Зеро, бу инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда юзага келадиган хатарларнинг рўй бериши натижасида етказилган зарарни қоплашнинг оқилона йўлидир.

***Пўлатжон ТУРСУНОВ,***
***РАТБ "Ғаллабанк"***
***Андижон вилояти***
***Қўрғонтепа филиали***
***кредит бўлими***
***бош мутахассиси,***
***БМА тингловчиси.***

Бизнинг фикримизча, банк хатарларини камайтиришда суғурта механизмидан фойдаланишнинг истиқболли йўналишларидан бири - исътемол кредитлари ва таълим кредитларини ажратишда кредит олувчи жисмоний шахснинг ҳаётини бахтсиз ҳодисалардан суғурталашдир. Бунда суғурта шартномаси уч томонлама тузилиб, банк, мижоз ва суғурта ташкилотлари иштирок этади.

Кредит олувчи жисмоний шахснинг ҳаётини суғурталаш шартномаси кредит шартномаси амал қилиш муддати доирасида тузилиб, ушбу шартнома амал қилаётган даврда кредит олган шахс кўнгилсиз ҳодисалар рўй бериши натижасида вақтинча ёки тўлиқ меҳнат қобилиятини йўқотса ёхуд вафот этса, унинг кредит асосий суммаси ва фоиз суммалари бўйича қолган қарзини суғурта ташкилоти тўлаб беради. Бу суғурта тури банк хатарларини камайтиришда ва уни бартараф этишда жуда қўл келиши мумкин.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган тижорат банкларида ишлаётган ходимларнинг 90 фоизидан ортиғи суғурта ҳимоясига олинмаган. Бу ерда тижорат банклари ходимлари ва банк хатарлари ўртасида қандай боғлиқлик бўлиши мумкин, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Фараз қилайлик, тижорат банкида масъулиятли вазифада ишлайдиган ходим бахтсиз ҳодиса туфайли тан жароҳати олди. Агар, унинг ҳаёти бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёти шарт суғурталанган бўлса, суғурта ташкилоти унга тиббий харажатларни қоплаш мақсадида суғурта суммасини беради. Суғурта ташкилоти томонидан берилган суғурта суммаси банк ходимини соғлигини тиклашда асқотади. Таассуфки, кўпгина тижорат банклари ўз ходимлари ҳаётини бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёти шарт суғурталашга етарли эътибор беришмаяпти. Шу боис, аста-секинлик билан суғурта маданиятининг ошиб бориши натижасида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш бўйича асосий муассаса - банк ходимларининг ҳаётини бахтсиз ҳодисалардан суғуртавий ҳимояга олиш – инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш фаолиятида мавжуд хатарлар суғуртасидаги истиқболли йўналишлардан бири бўлиб қолади.

бадалларидан, фирмаларнинг тижорат кредитларидан, қарз облигацияларидан, молиявий лизингдан, саноат компанияларининг ўз маблағларидан (амортизация ва бошқа жамғармалардан, фойдадан), суғурта тўловларидан ва шу кабилардан фойдаланишдан иборатдир.

Маълум ҳолларда давлат маблағларидан ҳам фойдаланилиши мумкин. Ғарбда ҳатто "молиявий конструкциялаш" (financial designing) деган махсус атама ҳам пайдо бўлди. Бу атама турли лойиҳалар ва битимларни лойиҳалашнинг оптимал (фойда келтириши ва ишончлилиги нуқтаи назаридан) схемаларини ташкил этиш соҳасидаги фаолиятни англатади.

Лойиҳаларни ташқаридан молиялаш манбалари ва усуллари ғоят хилма-хил бўлишига қарамай, пировардида уларни иккита асосий шаклга: қарзга молиялаш (кредитлар, қарзлар) ва инвестицияларга келтириш мумкин. Молиялашнинг мана шу икки шакли ўртасидаги ўзаро нисбатни таҳлил қилиш, энг аввало, лойиҳанинг молиявий барқарорлигини баҳолаш (молиявий воситани белгилаш) нуқтаи назаридан, лойиҳани молиялаш бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан, шунингдек у ёки бу шаклдан фойдаланишнинг ҳуқуқий оқибатлари нуқтаи назаридан муҳимдир.

***Қудратилло ЗОҲИДОВ,***
***РАТБ "Ғаллабанк"***
***Фарғона минтақавий***
***филиали Кредит-***
***режа бўлими***
***бош мутахассиси.***

**ОЧИҚ ТУРДАГИ ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ**
**"ЎКТАМБАНК"**
**БАНКНИНГ ЖОЙЛАШТИРИЛГАН АКЦИЯЛАРИ ЭМИССИЯСИ ПРОСПЕКТИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР ДАВЛАТ РЎЙХАТИГА ОЛИНГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

**7. 2005 йил 7 декабрдаги P0057/7-сон билан давлат рўйхатига олинган эмиссия ризосасида:**

21-бандининг а)-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«а) чиқарилган қимматли қоғозлар тури ва шакли: нақдсиз, эгаси ёзилган оддий акция».

30-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«30. Қимматли қоғозларга эгалик ҳуқуқларини ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби, шу жумладан банкнинг қимматли қоғозлар эгалари реестрини олиб бораётган реестр юритувчининг, қимматли қоғозлар нақдсиз шаклда чиқарилган тақдирда эса уларга бўлган эгалик ҳуқуқи ҳисобини олиб борувчи депозитарийнинг ҳам тўлиқ фирма номи, шунингдек ташкилий-ҳуқуқий шакли, манзилгоҳи, почта манзили, телефони ҳамда тегишли фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия тўғрисида маълумотлар (рўйхат рақами, берилган санаси, лицензия берилган орган, амал қилиш муддати).

Эгаси ёзилган қимматли қоғозлар эгалари реестри банк томонидан мустақил равишда амалга оширилган ҳолда эса банкнинг реестр юритишини амалга ошираётган бўлинмаси, унинг почта манзили ва телефони кўрсатилади.

Қимматли қоғозларга эгалик ҳуқуқларини ўтиши ва ҳисобини юритиш тартибига доир асосий маълумотлар келтирилади.

«Ўктамбанк» ХОАТБнинг акциядорлар реестри «Kapital-Depozit» масъулияти чекланган жамияти - реестр юритувчи томонидан олиб борилади. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан «Kapital-Depozit» МЧЖга реестр юритувчи фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи 1099 рақамли лицензияси берилган, амал қилиш муддати 2005 йил 4 июлдан 2010 йил 4 июлгача.

«Kapital-Depozit» МЧЖнинг манзили: Ташкент шаҳри, Братислава кўчаси, 11; телефонлар: 391-35-09, 391-35-08.

«Ўктамбанк» ХОАТБнинг нақдсиз шаклдаги акциялари бўйича эгалик ҳуқуқи ҳисоби «Kapital-Depozit» масъулияти чекланган жамияти – депозитарийда юритилади. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан «Kapital-Depozit» МЧЖга депозитарий фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи 1100 рақамли лицензияси берилган, амал қилиш муддати 2005 йил 4 июлдан 2010 йил 4 июлгача.

«Kapital-Depozit» МЧЖнинг манзили: Ташкент шаҳри, Братислава кўчаси, 11; телефонлар: 391-35-09, 391-35-06.

Депозитарий ўз депонентларининг Марказий депозитарий вакиллик ҳисобварақларида жамлаб ҳисобга олиб бориладиган акцияларга бўлган ҳуқуқлар ҳисобини юритади.

Акциялар бўйича эгалик ҳуқуқи депозитарийда депо ҳисобварақлари бўйича ўтказиш йўли орқали амалга оширилади. Акцияларнинг эгалари (акциядорлар) ўз депо ҳисобварағининг ҳолати ҳақида гувоҳнома олиш ва ўзининг депо ҳисобварағи бўйича депозитарий томонидан ўтказилган операциялар тўғрисида ҳисобот олиш ҳуқуқига эга».

## ИНВЕСТИЦИЯЛАР – САНОАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШГА

***Россия асосий сармоясига инвестициялар ҳажми 2009 йилда тахмин қилинаётганидек икки баравар кўпайиши унинг саноатини модернизациялаш имконини беради.***

"Биз ҳозирнинг ўзидаёқ 3 трл. рублдан кўпроқ инвестициялар ҳажмига эришдик. Уч йилдан кейин эса у 7 трлн. рублдан ортиқ бўлади.

Агар иқтисодиётимизга ҳар йили шунча ҳажмда инвестиция киритилишини барқарор сақлаб қолишга муваффақ бўлсак, демак барчамизни кийинтирадиган, яхши иш ҳақи тўлайдиган саноатни яратган бўламиз", - деди Россия Молия вазири Алексей Кудрин Санкт-Петербург шаҳридаги "Леонтьев ўқишлари"да сўзга чиқиб. – Россиянинг асосий сармоясига инвестициялар ҳажми 2005 йилда 3 трлн. 534 млрд. рублни ташкил қилди, 2006 йилда эса 4 трлн. 328 млрд. рубл, 2007 йилда – 5 трлн. 190 млрд. рубл, 2008 йилда – 6 трлн. 89 млрд. рубл, 2009 йилда – 7 трлн. 127 млрд. рубл бўлиши тахмин қилинмоқда. Бу тахмин биз иқтисодиётни инвестициялай олишимиздан дарак беради".

***Чет эл матбуоти материаллари асосида.***

# МОЛИЯ БОЗОРИДАГИ МУҲИМ ВОҚЕА

***5-7 октябр кунлари пойтахтимизда бир нечта молиявий соҳаларни ўз ичига қамраб олган халқаро кўргазма бўлиб ўтди. "Молиявий хизматлар" ва "Инфобизнес-2006" халқаро кўргазмаси Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Ўзбекистон банклари ассоциацияси, Ўзбекистон лизингберувчилар уюшмаси ва бошқа молиявий ташкилотлар кўмагида ташкил этилди.***



Тадбирнинг расмий очилиши маросимида сўзга чиққан Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Наим Қосимов кўргазма йил сайин Ўзбекистон молия бозоридаги муҳим воқеага айланиб бораётганини таъкидлади.

- Ушбу кўргазмадан кўзланган асосий мақсад кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларини мавжуд молиявий имкониятлар билан таништириш, шунингдек, банк, лизинг ва бошқа молиявий хизматлар бозорини фаоллаштиришдан иборат.

Шундай экан, "Молиявий хизматлар" ва "Инфобизнес-2006" кўргазмаси юртимиз молия бозори ривожи учун катта аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Кўргазмада 40 дан ортиқ молиявий ташкилотлар – тижорат банклари, лизинг, аудит ҳамда консалтинг компаниялари, кредит уюшмалари иштирок этишди. Тадбирда қатнашган нуфузли компаниялардан бири – **«Ansher group AG» молия-саноат компаниялар гуруҳи директорлар кенгаши аъзоси Равшан Юнусов** билан суҳбатлашдик.

- «Ansher group" асосан молия, саноат ҳамда консалтинг хизматлари соҳасида фаолият олиб боради. Компаниялар гуруҳи айни вақтда 11 та компанияни ўз ичига олади.

Булар инвестицион, инвестицион-консалтинг ва инвестицион-банк компаниялари, шунингдек брокерлик ҳамда савдо фирмалари ва бошқалардир. «Ansher group» ўз фаолиятини Европа, Осиё, Яқин Шарқ ва Америкада амалга оширади. Бу каби кўргазмаларда иштирок этишимиздан асосий мақсад – компаниялар гуруҳининг маҳсулотлари ва хизматларини молиявий бозорда таклиф этибгина қолмай, балки кенг жамоатчилик оммасининг ҳам фикрини, янги инвестицион лойиҳаларни, ташаббускор таклифларни ўрганиш.

Кўргазмада ҳамкорларимиз таклифлари ҳамда рақобатчи компаниялар тажрибалари билан яқиндан танишдик. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, кўргазма молиявий соҳа мутахассислари учун замонавий ахборот ресурслари ва молия хизматлари ҳақида чуқур маълумот берувчи, ҳар томонлама самарали ҳамкорликка чорловчи жуда мазмунли ҳамда фойдали кўргазма бўлди.

"Молиявий хизматлар" ҳамда "Инфобизнес 2006" халқаро кўргазмаси уч кун давомида нафақат молиявий соҳа мутахассислари учун, балки оддий аҳоли учун ҳам қизиқарли бўлган молиявий хизматларни намойиш этди.

Кредит уюшмалари, алоқа, лизинг, суғурта компаниялари, турли хилдаги иқтисодий нашрларнинг айнан аҳоли эътиборини жалб этувчи молиявий таклифлари уларнинг кўргазмага бўлган қизиқишларининг ортишига сабаб бўлди. Сўнгги вақтда молия бозорида микромолиялаш тизимининг фаол институтларидан бири – кредит уюшмаларининг кўргазмада иштироки фикримиз далилидир.

Айнан шу ташкилотлар кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда энг ташаббускор ҳамда самарали ҳамкор сифатида эътироф этилмоқда. **"Шердор" кредит уюшмаси раҳбари Мирсаид Жўракулов** кўргазма ҳақида ўз фикрларини билдирди.

- Бу каби йирик кўргазмаларда кўп бора иштирок этганмиз. Чунки бу кўргазма нафақат самарали реклама, балки тажриба ўрганиш, йирик молиявий институтлар тажрибасини кузатиш, иш ўрганиш учун ҳам қулай ўқув майдонидир.

Уч кун давомида кўргазмага ташриф буюрувчилар молиявий хизматлар бозоридаги янгиликлар, энг сўнгги ахборот ресурслари, дунё миқёсидаги янги бизнес усуллари билан танишдилар. Кўргазма иштирокчилари учун эса анжуман тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва кенг имкониятлар майдони бўлди.

***Эъзоз КАМОЛОВА.***

# УРАЛЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР ТАШРИФИ

***Яқинда мамлакатимизга Урал Савдо-саноат палатаси президенти жаноб Ю. П. Матушкин бошчилигидаги Россия Федерациясининг ураллик ишбилармонлар доираси вакиллари ташриф буюришди. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган мазкур ташриф икки давлат тадбиркорлари ўртасида ишбилармонлик алоқаларини янада кенгайтириш ҳамда янги ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишга қаратилган.***

Делегация таркибидан металсозлик, қурилиш, нефт-газ, нефт-кимё ва бошқа бир қатор соҳаларда фаолият юритувчи йирик Урал корхона ва компаниялари вакиллари ўрин олган.

Мазкур ташриф жорий йилнинг апрел ойида ўтказилган Ўзбекистон-Россия бизнес-форумининг мантиқий давоми бўлиб, у икки томонлама ўзаро манфаатли ишбилармонлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш россиялик ишбилармонларда улкан қизиқиш уйғотаётганидан далолат беради.

Маълумки, Россия Федерацияси Ўзбекистоннинг энг етакчи иқтисодий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Агар 2004 йилда давлатлар ўртасидаги ўзаро товар айланмаси 1,6 млрд. АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 2 млрд. АҚШ доллари миқдорида бўлди. Шунингдек, ушбу давлатнинг 2005 йилда мамлакатимиз ташқи савдо айланмасидаги улуши 22 фоизга етганлиги ҳам юртимиз иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар иштирокида 433 та қўшма корхона фаолият юритаётган бўлса, ўз навбатида Россия ҳудудида ҳам қўшма корхоналарнинг 284 тасига ўзбекистонлик сармоядорлар ўз маблағларини инвестиция қилишган. Шунингдек, Ўзбекистонда 80 дан ортиқ Россия компания ва фирмаларининг ваколатхоналари очилган бўлиб, улар энергетика, электртехника, нефт-газ, кимё, савдо, суғурта, телекоммуникация, озиқ-овқат, доришунослик, ёғочни қайта ишлаш ва бошқа бир қатор саноат соҳаларида фаолият юритишмоқда.

Урал делегацияси ташрифи давомида Ўзбекистон Республикаси ва Урал минтақаси ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболларини муҳокама қилиш учун махсус Бизнес-форум ўтказилди.

Шунингдек, икки давлат тадбиркорлари ўртасида тўғридан-тўғри шерикчилик муносабатларини ўрнатиш мақсадида "Глобал Инсулэйтор Групп" масъулияти чекланган жамиятининг тақдимоти ва кооперацион биржа ўтказилади. Ўзаро амалий мулоқотлар давомида томонлар ҳамкорлик алоқалари истиқболлари ва биргаликда ишлаб чиқаришни шакллантириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш имкониятларини муҳокама этади. Ташриф давомида Урал делегациясининг "Экспо-Ўзбекистон" 3-Халқаро кўргазмасида иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

***Зарина УСМОНОВА.***

# РОССИЯНИНГ ОЛТИН-ВАЛЮТА ЗАХИРАЛАРИ 2006 ЙИЛДА 100 МЛРД. АҚШ ДОЛЛАРИГА КЎПАЯДИ

Россиянинг олтин-валюта захиралари 2006 йилда 100 млрд. АҚШ долларига кўпаяди. Россия молия вазири Алексей Кудрин 30 сентябрда Санкт-Петербург шаҳрида "Леонтьев ўқишлари" 6-йиллик конференцияда сўзга чиқиб, шуни маълум қилди. Кудриннинг фикрича, мамлакат ҳозир "қулай даврни бошидан кечирмоқда ва ҳар йили тўлов балансининг мусбат сальдосига эга бўлмоқда. Мамлакатга кириб келаётган валюта оқими чиқиб кетаётган валюта оқимидан кўп бўлмоқда. Бунинг натижасида кўрсаткичлардан бири бўлган ушбу баланс кўпайиб, олтин-валюта захиралари ошиб бормоқда.

2006 йил охиригача бу кўрсаткич 100 млрд. АҚШ долларигача ўсиши тахмин қилинмоқда. 2006 йилнинг 8 ойи мобайнида олтин-валюта захиралари 77 млрд. АҚШ долларига ўсди".

***Чет эл матбуоти материаллари асосида.***

**ТОШКЕНТ шаҳридан 30 км масофада, Тўйтепа шаҳри марказида майдони 950 кв. м ва 870 кв. м бўлган 2 та маъмурий бино СОТИЛАДИ**

**Бинолар банк ёки бошқа молия муассасасини жойлаштириш учун жуда мос.**

**Алоқа телефони: 322-73-03;**
**e-mail: oftobayvon@mail.ru**

**О Б У Н А - 2007**

**БАНК АХБОРОТНОМАСИ** *газетасига обуна бошланди.*

***Газетанинг обуна индекслари:***

| юридик шахслар учун: | | жисмоний шахслар учун: | |
|---|---|---|---|
| ўзбек тилида: | 102 | ўзбек тилида: | 377 |
| рус тилида: | 104 | рус тилида: | 378 |

*Газета сотувга чегараланган нусхада чиқарилади.*

*Маълумот учун телефонлар: 134-58-43, 134-43-18*

**БАНК АХБОРОТНОМАСИ**

АХБОРОТ–ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

МУАССИСЛАР:

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки*

*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети*

*«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ*

*Тадбиркорликни ахборот билан қўллаб-қувватлаш "Заковат" ижтимоий жамғармаси*

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

*Файзулла Муллажонов* (Таҳрир Кенгашининг раиси),
*Қаҳрамон Рофиев* (Таҳрир Кенгашининг раис ўринбосари),
*Равшан Охунов* (Таҳрир Кенгашининг масъул котиби),
*Раҳмон Каримов*
*Абдураҳмат Боймуротов*
*Баҳодир Хўжаев*
*Михаил Перпер*

БОШ МУҲАРРИР
*Шавкат Назаров*

БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:
«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

АХБОРОТ ХИЗМАТИ КЎРСАТУВЧИЛАР:
ЎзА, «Туркистон-пресс» НАА, «Иқтисодиёт ахборот агентлиги», «Бухоро-пресс» АА.

Реклама ва эълонлар учун 134-43-18 телефони орқали мурожаат қилинг.
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
700000, Тошкент, Ғ. Мавлонов кўчаси, 1а-уй.
e-mail: bankingnews@tshtt.uz
www: finance.uz

*Босилган материаллар муаллифларининг нуқтаи назари таҳририятнинг нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари масъулдир.*

*Таҳририятнинг ёзма розилиги бўлганидагина, "БА"да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади.*

*Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.*

*Ⓣ Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.*

*Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида* ***137-тартиб рақами*** *билан рўйхатга олинган.*

**Буюртма № Г-1204**
Тираж 5255 нусха.
**Босишга рухсат этилди**
10.10.2006 й.

Газета таҳририят ускуналарида саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. *Корхона манзили:* **Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**
Босишга топширилди 11.10.2006 й. 9.00. 1 2 3 4 6